БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-йил чиқиши
№ 145 (2178).

24 июль
СЕШАНБА
1962 йил

Баҳоси 2 тийин

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини абадий тўхтаттиришга кўп йиллардан бери ҳаракат қилиб келмоқда. Лекин АҚШ ўзининг НАТОдаги иттифоқчилари билан бирга бу масалада битимга келишга йўл қўймаётир. АҚШ ва Англия қуролсизланиш билан шуғулланувчи 18 лар комитетида шу комитет қатнашчилари бўлган Ҳиндистон, Бирлашган Араб Республикаси, Бразилия ва бошқа бетараф давлатлар томонидан киритилган таклифни музокараларга асос қилиб олишдан аслида бош тортганидан кейин бу ҳол бутун дунёнинг кўзи олдида яна бир марта аён бўлиб қолди. Совет Иттифоқи музокараларга асос қилиб олишга рози бўлган бу таклифда ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини ядро портлатишларини аниқловчи миллий воситалар ёрдами билан контроль қилиб туриш кўзда тутилади. Ғарб давлатлари бир нарсага: Совет Иттифоқи территориясида халқаро контроль постларини ўрнатишга ва инспекциялар ўтказишга интилмоқдалар. Булар битимнинг бажарилишини текшириб туриш учун керак бўлмаса ҳам, лекин тинчликсевар давлатларга қарши агрессив уруш планларини ишлаб чиқаётган НАТО разведкалари ва ҳарбий штаблари учун жуда матлубдир.

Америка Қўшма Штатлари кейинги ойларда Тинч океанда ва Шимолий Америкада — Невада штатида ядро қуролини бирин-кетин тўхтовсиз портлатмоқда. Ядро қуроли синовларининг бу серияси бундан олдин ўтказилган синовларнинг ҳаммасидан ҳам кенгроқ миқёсда ўтказилмоқда: ҳамманинг, шу жумладан олимларнинг кенг равишда норозиликлар билдирганликларига қарамай, яқинда АҚШ катта қувватга эга бўлган ядро қурилмасини бир неча юз километр баландликда портлатиб, халқлар газабига сазовор бўлган қуролланиш пойгасини космик фазога ҳам олиб чиқди.

АҚШ ҳукумати ядро синовларининг ҳозирги серияси ўтказишга киришмасдан олдиноқ, агар Америкаининг ядро бомбалари портлатила берса, у ҳолда Совет Иттифоқи ўз ядро қуроли синовларини ўтказиши зарур бўлиб қолишини яхши билар эди. Бу хусусда СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ўзининг 1962 йил 3 мартдаги мактубида АҚШ президенти Ж. Кеннедини тўппа-тўғри огоҳлантирган эди. Бинобарин, АҚШ ҳукумати ўзи қилаётган ишнинг оқибати нима бўлиб чиқишини жуда яхши билар эди. Совет Иттифоқи 1961 йил кузида ноиложликдан ўтказган синовлар охирги синовлар бўлиб қоладими ёки бизнинг планетамизда ядро портлатишлари синовларининг янги тўлқини яна бошланиб кетадими, деган масалани ҳал қилиш АҚШ ҳукуматининг, фақат унинг қўлида эди. АҚШ ҳукумати буни ўзича ҳал қилди. Америка ядро бомбаларининг Рождество ва Жонстон ороллари тепасидаги портлашлари ўзининг акси садосини туғдирди — бунга жавобан совет ядро бомбаларининг портлашини муқаррар қилиб қўйди.

АҚШ ҳукумати ядро қуроли синовларининг ва айниқса космик фазодаги синовларининг янги серияснни Совет Иттифоқига нисбатан ҳарбий устунлик олишга интилиб ўтказа бошлаганлигини яшираётгани йўқ. Совет ҳукумати бундан тегишли хулосалар чиқариб олмаганида эди, совет халқининг ишончини оқламаган бўлур эди. Совет давлатининг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилмаган бўлур эди. Йўқ. Совет Иттифоқи мамлакатимизга қарши агрессия режаларини тузаётган, бизга ва бизнинг иттифоқчиларимизга қарши превентив уруш таҳдидини солаётган кимсаларга бундай хурсанд бўлиш имкониятини бермайди.

Совет кишилари гитлерчилар Германиясининг Ватанимизга хоинлик билан қилган ҳужумини унутганлари йўқ ва асло унутмайдилар. Улар мамлакат мудофаси фан ва ҳарбий техниканинг энг янги муваффақиятлари даражасида туриши, агрессорни ҳар дақиқада шай бўлиб кутиб олишга тайёр туриш нақадар ҳаётий муҳим эканлигини ўзларининг 1941 йилдаги тажрибаларидан яхши биладилар.

Совет ҳукумати Америка ядро қуроли синовларининг серияснга жавобан совет ядро қуролининг энг янги намуналари синовларини ўтказиш тўғрисида фармойиш берди. Совет Иттифоқи ноиложликдан шундай қилди. Бу синовларни ўтказиш вақтида радиоактив ёғинлар энг кам бўлиши учун зарур чоралар кўрилади. Бу соҳада Совет Иттифоқида эришилган натижалар оз эмас. Ўтган йил кузда ўтказилган совет синовлари вақтида атмосферада, ер юзасидан ёки океанда радиоактивлик унчалик ошмаганлигини кенг кўпчилик эътироф қилмоқда.

Модомики, АҚШ биринчи бўлиб ядро қуроли синовларини бошлаган ва бу синовларни ўз иттифоқчилари билан биргаликда Совет Иттифоқига қараганда анча кўпроқ ўтказган экан, демак, жавоб чораси тариқасидагина ўзининг ядро синовларини ўтказган иккинчи томон — Совет Иттифоқи — ядро синовларини жаҳонда энг кейин бўлиб тамомлашга ҳақлидирки, бунга адолат нималигини яхши билган ҳар бир киши, ҳар бир холис киши тан бермаслиги мумкин эмас.

Совет ҳукумати АҚШ ҳукуматини ва бошқа Ғарб давлатларининг ҳукуматларини халқларнинг талабларига қулоқ солишга ва ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келиш йўлидаги сунъий ғовларни олиб ташлашга чақиради. Бу битим ядро портлатишларини билиб олишнинг миллий воситалари ёрдами билан шундай битимнинг оғишмай бажарилаётганлигини фан муваффақиятлари асосида контроль қилиб туришга асосланмоғи лозим.

Еппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланган жаҳон конгресси ҳамма мамлакатларнинг халқларига мурожаат қилиб, уларни тинчликни мустаҳкамлашга, қуролсизланиш учун, инсониятни ядро қиргини хавфидан халос қилиш учун курашга чақирди. Совет ҳукумати бу чақириққа қўшилади. Бу чақириқда халқларнинг иродаси ифодаланган, бу ирода эса тарихнинг олий қонунидир. Ядро синовларини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, тинчлик учун кураш давом этмоқда ва кураш натижасида тинчлик иши ғалаба қилиши лозим.

Поляк халқига қардошлик табриклари

МОСКВА, 21 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев қардош поляк халқини миллий байрам — янги Польшанинг 18 йиллиги билан қизғин табрикладилар.

Владислав Гомулка, Александр Завадский ва Юзеф Циранкевичга юборилган телеграммада бундай дейилади: Совет кишилари халқ ҳокимияти йилларида социализм қурилишида ажойиб муваффақиятларга эришган эрксевар поляк халқининг ютуқлари билан астойдил қувонадилар. Бизнинг дўстлигимиз, деб таъкидланади телеграммада, марксизм-ленинизм улуғ таълимотига, қудратли социалистик лагернинг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш вазифаларига чексиз садоқатни исбот этувчи ёрқин далилдир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИНИНГ ШАХСИЙ СОСТАВИГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳукуматнинг махсус топшириғини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидагиларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин:

Шимолий флот сувости кемалари флотилиясининг қўмондони контр-адмирал Александр Иванович **Петелинга.**

Атом сувости кемасининг командири 2-ранг капитан Лев Михайлович **Жильцовга.**

Атом сувости кемаси электромеханика жанговар қисмининг командири 2-ранг инженер-капитан Рюрик Александрович **Тимофеевга.**

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль
1962 йил 20 июль.

Н. С. ХРУШЧЕВ СУВОСТИ КЕМАСИ ЭКИПАЖИГА ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАР ТОПШИРДИ

ШИМОЛИЙ ФЛОТ, 21 июль. (ТАСС). Бугун куннинг иккинчи ярмида Н. С. Хрушчев, Р. Я. Малиновский, С. Г. Горшков, А. А. Епишев, В. А. Касатонов Шимолий флотнинг ҳарбий денгиз базаларидан бирида иккинчи ранг капитан Л. М. Жильцов қўмондонлик қилаётган атом сувости кемасининг шахсий состави билан учрашдилар. Бу кеманинг экипажи ҳукуматнинг махсус топшириғини бажариб бўлиб, яқиндагина денгиздан қайтиб келди. Сувости кемасининг бутун шахсий состави—матрослар, старшиналар, офицерлар сувостида сузиб юришнинг энг қийин ва мураккаб шароитида мардлик ва бардамлик билан ишладилар, энг янги жанговар техникани эгаллаб олганликларини ва ўзларининг юксак жанговар маҳоратларини намойиш қилдилар. Контр-адмирал А. И. Петелин ҳукуматнинг махсус топшириғи муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида Н. С. Хрушчевга рапорт берди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, сувости кемасининг шахсий состави ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Н. С. Хрушчев контр-адмирал А. И. Петелинга, иккинчи ранг капитан Л. М. Жильцовга, иккинчи ранг инженер-капитан Р. А. Тимофеевга Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медалини топширди. Ҳукуматнинг махсус топшириғини бажаришда қатнашган сувости кемаси матрослари, старшиналари ва офицерлари группасига Ленин ордени, Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлик учун» медаллари топширилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев орден ва медалларни топшириб, сувости кемаси денгизчиларини ҳукумат топширигини муваффақиятли бажарганликлари ва юксак мукофотлар олганликлари билан қизғин қутлади, уларга Совет Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган мураккаб ва олижаноб меҳнатларига янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотланганлар партия ва ҳукуматга юксак мукофотлар учун чуқур ташаккур изҳор қилдилар ва совет ҳарбий денгизчилари Ватаннинг ҳар қандай буйруғини шараф билан бажаришга тайёр, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига ва шахсан Н. С. Хрушчевга ваъда бердилар.

Мукофотларни топширишда ҳарбий денгиз базаси кемалари ва қисмларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Улар шонли сувости кемаси денгизчиларини қизғин табрикладилар.

Ракка қарши VIII халқаро конгрессга

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати номидан ракка қарши VIII халқаро конгресс қатнашчиларини табриклайман.

Жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар олимларининг вакиллари қатнашаётган ракка қарши VIII халқаро конгресс ҳозирги замон медицинасининг энг муҳим ва, ҳаттоки, энг қийин проблемаларидан бирини муҳокама қилиш учун чақирилди.

Бу проблемани ҳал қилишда фақат медицина олимларигина эмас, шу билан бирга, илм-фаннинг бошқа тармоқларига мансуб бўлган олимларнинг кенг доиралари ҳам биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб, халқаро ижодий ҳамкорликда иш олиб боришлари айниқса муҳимдир.

Совет ҳукумати СССРда рак проблемасига доир илмий тадқиқотларни ривожлантиришга ва инсониятнинг мана шу оғир дардини профилактика қилиш ва даволаш соҳасида фаннинг ҳамма муваффақиятларидан амалий фойдаланишга кўп эътибор бермоқда.

Совет ҳукумати халқаро ҳамкорликка алоҳида аҳамият бериб, ракка қарши кураш соҳасидаги энг катта илмий-тадқиқот ишлари учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти номидан халқаро мукофотлар таъсис қилишда ташаббускорлик кўрсатди. Бутун инсониятнинг улуғ миннатдорчилиги ва ташаккури рак проблемасини ҳал қилишда кўзга кўринган натижаларга эришган ҳар қандай олим ёки олимлар группаси учун олий мукофотдир.

Олимларнинг тинч яратувчилик меҳнати, фан ва техниканинг улуғ кашфиётларидан, жуда катта моддий ресурслардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш инсон ва унинг бахт-саодати учун қилинаётган мана шу юксак инсоний ва олий ҳиммат ишда муваффақиятлар қозоннишнинг ҳал қилувчи шартларидан биридир.

Ракка қарши VIII халқаро конгрессда қатнашаётган ва энг инсонпарвар касбнинг намояндалари бўлган медицина олимлари халқларнинг тинчлик учун курашдаги прогрессив тарихий ҳаракатидан четда қолмаслигиларига мен асло шубҳаланмайман. Еппасига қуролсизланиш ва тинчлик учун курашга бағишланиб яқинда Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгресси халқларнинг мана шу истак ва орзуларини ёрқин ифодалаб берди.

Янги жаҳон уруши ва ҳозирги замоннинг қиргин воситаси бўлган ядро қуролини ишлатиш инсоннят бошига тузатиб бўлмайдиган нақадар зўр офатлар келтиришини ҳаммадан кўра фан аҳллари яхши биладилар.

Совет ҳукумати ва бутун совет халқи тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни, шу жумладан медицина соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ҳам ривожлантириш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар ва кўражаклар.

Ракка қарши VIII халқаро конгресс, жаҳоннинг мана шу энг катта илмий форуми рак касалликларига қарши самарали чораларни яратиб бериш йўлида олимларнинг ижодий куч ва ғайратларини бирлаштиришдаги муҳим босқичлардан бири бўлади, деб умид қиламан.

Сизларнинг инсоният бахт-саодати йўлидаги олижаноб ишингизга чин кўнгилдан муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

1962 йил 22 июль.

Н. С. ХРУШЧЕВ

Шимолий флотнинг ҳарбий машқларида

ШИМОЛИЙ ФЛОТ, 21 июль. (ТАСС). Бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчев Шимолий флот билан танишишни давом эттирди.

Эрталаб Н. С. Хрушчев мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, Ҳарбий Денгиз Флотининг бош қўмондони флот адмирали С. Г. Горшков, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, Шимолий флот қўмондони адмирал В. А. Касатонов билан бирга «Адмирал Ушаков» крейсерида денгизга чиқиб, сув усти ва сувости кемаларининг ва флот авиациясининг машқларини кузатиб турдилар.

Машқларда Ҳарбий Денгиз флотининг замонавий қуроли қўлланилди. Сув усти ракета кемалари ва сувости атом ракета кемалари отиш машқларини ўтказдилар. Сувости атом ракета кемалари сув тагида туриб, ракеталар отдилар.

Н. С. Хрушчев ва мудофаа министри Р. Я. Малиновский машқ натижаларига юксак баҳо бердилар.

Н. С. Хрушчев Шимолий флот қўмондони адмирал В. А. Касатоновга, адмираллар, офицерлар, старшиналар ва матросларга мамлакатнинг Ҳарбий Денгиз Флотига бериб турган янги техникани ўзлаштиришдаги маҳоратлари ва катта муваффақиятлари учун партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ташаккур изҳор қилди.

Машқларда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ф. Устинов ва КПСС Мурманск обкомининг секретари Г. Г. Денисов ҳозир бўлдилар.

Н. С. Хрушчев «Адмирал Ушаков» крейсерида бўлганида матросларнинг кубрикларини ва офицерларнинг каюталарини кириб кўрди, матрослар, старшиналар ва офицерлар билан суҳбатлашди, кеманинг шахсий состави билан суратга тушди. Матрослар ўзлари ясаган эсдалик совғаларини — кемаларнинг моделларини Н. С. Хрушчевга ҳадя қилдилар.

Н. С. Хрушчев ва унга ҳамроҳ бўлиб юрган ўртоқлар кема журналига қуйидагиларни ёзиб қолдирдилар:

«Шимолий денгизнинг шонли денгизчилари! «Адмирал Ушаков» крейсерининг матрослари, старшиналари ва офицерлари билан учрашув яхши таассурот қолдирди.

Флотда биз бориб кўрган бошқа кемаларнинг экипажлари каби сизларнинг аҳил ва уюшган коллективингиз ҳам денгизчилик маҳоратини юксак даражада эгаллаб олганлигини, ўзининг нҳчам ва интизомли эканлигини кўрсатди.

Социалистик Ватанимизни — ССР Иттифоқини ҳимоя қилишда ўзининг ҳарбий бурчини ҳар бир дақиқада шараф билан виждонан бажаришга тайёр бўлиб турган шундай ажойиб жангчиларимизни кўриб, гоят хурсанд бўлдик.

Шимолий денгизнинг шонли денгизчиларига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, жанговарлик маҳоратини оширишда; ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзларингизнинг ҳарбий ишларингиз билан шавкатли Қуролли Кучларимизнинг ажойиб жанговар традицияларини кўпайтирингиз! Ҳушёр бўлингиз!

Н. ХРУШЧЕВ,
Д. УСТИНОВ,
Р. МАЛИНОВСКИЙ,
Г. ДЕНИСОВ,
С. ГОРШКОВ,
А. ЕПИШЕВ».

1962 йил 21 июль.

* * *

Шимолий флот денгизчилари Н. С. Хрушчевни самимий кутиб олдилар. Улар Совет Иттифоқининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш учун кучимизни аямаймиз, янги техникани ўзлаштиришда, жанговар ва сиёсий тайёргарликни янада оширишда тағин ҳам катта муваффақиятларга эришамиз, деб партия ва ҳукуматга ваъда бердилар.

Республика ғаллакорлари, пиллачилари ва чорвадорларининг меҳнат ғалабаси

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида етти йилликнинг тўртинчи йили учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақа кенг авж олмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг барча қишлоқ хўжалик ходимларига қарата чиқарган Мурожаатига иш билан жавоб бераётган қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат жасорати тўғрисида ҳар куни янгидан-янги қувончли хабарлар келиб турибди. Партия XXII съездининг ва КПСС Марказий Комитети март Пленумининг тарихий қарорларидан, ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг 1961 йилда Тошкент зона кенгашида берган кўрсатмаларидан илҳомланган республика колхозчилари ва совхоз ишчилари мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун умумхалқ курашида қўлга киритган дастлабки муваффақиятлари ҳақида Ватанга рапорт бермоқдалар.

Ўзбекистон ғаллакорлари етти йилликнинг тўртинчи йилини муносиб ишлар билан нишонламоқдалар. Улар қабул қилиш базаларига 7 миллион пуддан кўпроқ буғдой, арпа ва дуккакли экинлар донини топшириб, бу билан давлатга ғалла сотиш планини ва социалистик мажбуриятларини бажардилар (шоли ва маккажўхори бу ҳисобга кирмайди).

Зомин районидаги бу йил 19 минг гектар ерга ғалла эккан «Ударник» совхозининг ғаллакорлари ҳосилни жуда қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олдилар. Улар техникадан моҳирлик билан фойдаланиш, 2 ва 3 комбайнни қўш қилиб ишлатишни кенг жорий қилиш ҳисобига ишда юксак суръатларга эришдилар. Самарқанд областининг Ургут райони, Сурхондарёё областининг Яккабоғ райони, Тошкент областининг Юқори Чирчиқ райони, «Деҳқонобод», «Ховос» совхозлари, Ургут районидаги Киров номли колхоз, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози ва бошқа кўнгина хўжаликлар ғалла ўрим-йиғими бўйича топшириқларни муваффақиятли бажардилар.

Республика ғаллакорлари дон ва дуккакли экинлар ўрим-йиғимини, похол ғарамлашни жуда қисқа муддат ичида тугаллаш, сўнгра эса 1962 йилда Ватанга қарийб 10 миллион пуд ғалла бериш мақсадида маккажўхори ва шоли ўрим-йиғимини тез суръатлар билан ўтказиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар. Айни вақтда далаларни кузги экишга тайёрлаш, уруғлик ва ем-хашак фондларини жамғариш ишлари авж олдирилмоқда.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари ноқулай обҳаво шароити натижасида вужудга келган қийинчиликларни енгиб, зўр меҳнат қилиб, пиллани жадал боқиш усулини қўлланиб, давлатга пилла сотиш йиллик планини ва социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 14.766 тонна—ўтган йилнинг шу муддатигача топширилганидан 1.187 тонна кўп пилла топширилди.

Бухоро, Сурхондарё, Андижон ва Хоразм областларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пилла етиштиришда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бухоро областининг пиллачилари пилла етиштиришни 1961 йилга нисбатан 21 процент кўпайтирдилар ва етти йилликнинг охирига белгиланган даражадан анча ошиб кетдилар. Сурхондарё областининг колхоз ва совхозлари пилла етиштиришни 11 процент, Андижон области эса 9 процент кўпайтирди.

Кўпгина илгор пиллачилар республиканинг донгдор пиллачиси Олияхон Султонова методи асосида ипак қуртини жадал усулда боқишнинг прогрессив агротехникасини қўлланиб, мўл ҳосил олишга эришдилар. Бухоро областининг Шофрикон ва Ғиждувон районлари, Фарғона областининг Марғилон райони ва бошқа районлар пилла етиштиришни кўп даражада оширдилар.

Фарғона районидаги «Ғалаба» колхози пилладан рекорд ҳосил етиштирди. Бу ерда 50 қути уруғнинг ҳар қутисидан ўрта ҳисобда 89 килограммдан пилла олинди. Шофрикон районидаги Хрушчев номли колхозда 290 қути уруғнинг ҳар қутисидан 73 килограммдан пилла олинди. Марғилон районидаги Фрунзе номли колхозда 1.430 қути уруғнинг ҳар қутисидан 61 килограммдан пилла олинди.

Янгиўл районидаги Калинин номли колхознинг звено бошлиғи Л. Мирубаева жуда катта натижага эришди. У, ипак қурти боқишни 21 кунда тугаллаб, 5 қути уруғнинг ҳар қутисидан 100 килограммдан пилла топширди.

Ўзбекистон қорақўлчилари меҳнат соҳасида катта ғалабага эришдилар. Улар йиллик планни ва социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажариб, давлатга топширишдан ташқари кўп миқдорда қорақўл тери сотдилар. Ана шу қимматбаҳо хом ашёнинг катта қисми биринчи сорт билан топширилди.

Давлатга тухум сотиш йиллик плани ва социалистик мажбуриятни анча ошириб бажарилди. Ҳозиргача 97 миллион дона, яъни бутун ўтган йилдагига нисбатан 3 миллион дона кўп тухум сотилди. Бухоро, Фарғона, Андижон, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР тухум тайёрлаш соҳасида айниқса юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Ўзбекистон колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

Н. С. ХРУШЧЕВ мактуби

МОСКВА, 23 июль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Лаос масаласини ҳал қилиш бўйича халқаро кенгашга мактуб юборди. Бу мактубда таъкидланадики, Лаос масаласи бўйича Женева битимлари «турли иҳтимоий системаларга мансуб мамлакатлар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорлик сиёсатининг катта ғалабаси» бўлади.

Лаос масаласи бўйича Женева кенгаши ишининг муваффақиятли тугалланиши шу нарсани яққол кўрсатадики, дейилади мактубда, ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш асосида битимга келиш учун яхши ният ва самимий интилиш бўлса, ҳар қандай мураккаб бўлган ва ҳал этилмаган халқаро проблемалар ҳал этилиши мумкин.

САБЗАВОТ САВДОСИДА ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ?

Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Далаларда ёз ноз-неъматлари мўл. Сабзавот, картошка ва хилма-хил мевалар истаганча топилади. Шаҳар атрофидаги колхоз-совхозларда етиштирилган эртаги сабзавот ва картошка қабул пунктларига пешма-пеш топширилаяпти.

Колхозчи деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ана шу маҳсулотлар афсуски шаҳар аҳолисига ўз вақтида етказиб берилмаётир. Гапнинг лўндасини айтганда «Ташплодоовошторг» билан «Плодоовошторг» раҳбарлари шаҳар меҳнаткашларини сабзавот, картошка ва мева билан таъминлашда жуда нўноқлик қилмоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида яқинда ўтказилган махсус кенгашда ҳам ана шу торг ва трест раҳбарлари сабзавот савдосини яхши ташкил қилолмаётганлари учун қаттиқ танқид қилинган эдилар. Хўш, бу танқидлардан улар қандай хулоса чиқаришди? Ишда ўзгариш борми?

Йўқ! Ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

Бу ўринда «Ташплодоовошторг»нинг масъулиятсизлиги кишини ажаблантиради. Чунки қабул пунктларида неча тонналаб уюлиб ётган картошка, помидор, лавлаги ва бошқа маҳсулотлар шаҳар магазинларига шахсан ана шу торг директори ўртоқ Г. Дмитриевнинг масъулиятсизлиги туфайли ўз вақтида келтирилмаётир.

«Плодоовошторг»да ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин. Трест маҳсулотларни пунктлардан поток усулда ташишни йўлга қўйган. Лекин аввал керак вақтида машиналар етарли эмас. Экспедиторларнинг иши устидан назорат йўқ. Сабзавот дўконларидан олинган талабномалар қоғозда қолиб кетаверади.

Яқинда Бешёғоч колхоз бозоридаги 5-магазинга бир ярим тонна ўрнига 640 килограмм помидор, бир тонна ўрнига 764 килограмм картошка келтирилди, холос. 17-магазинга ҳам сабзавот келтиришда талабнома бир чеккада қолиб кетаверди.

Торгнинг экспедиторлари хушларига келса, бир кўриниш бериб қўядилар, бўлмаса ваъда қилинган сабзавотдек дарақлари бўлмайди. Экспедитор Е. Белозёров ана шундай парвойи палаклардан биридир.

«Плодоовошторг»нинг айрим магазин директорларида ҳам айб катта. Юборилган картошка, помидор асоссиз баҳоналар билан қайтариб юборилаётир. Фрунзе район колхоз бозоридаги 12-магазин мудири Ю. Юсупов 19 июль куни 1625 килограмм помидор ва 100 килограмм лавлагини «ярамас» деб ўзгариш пунктига қайтариб юборди. Қайтариб юборилган маҳсулот Чиланзордаги 4-сабзавот бозорида аҳолига сотилди.

Марказий — Туркман бозоридаги 4-магазин мудири В. Ротман ҳам картошка келтирилганда жуда инжиқ бўлиб олади. Яқинда у икки тонна картошкадан 250 килограммини қабул қилди, холос.

— Кишиларга картошка керак, нега қабул қилиб олиб соттирмайсиз? — сўрайсиз ундан.

— Майдаси бор, — дейди у.

— Стандарт картошкада 5 процент майдаси бўлиши керак-ку?

— Энди майдаси кўпда... чайналиброқ дейди у.

Сабзавот савдосининг яхшиланишига монелик қилаётган сабаблардан яна бири «Ташплодоовошторг» билан «Плодоовошторг»нинг ўзаро келишмовчилигидадир. Торг директори ўртоқ Г. Дмитриев бутун айбни трест раҳбари ўртоқ П. Айропетовга ағдарса, ўртоқ Айропетов бўлса нуқул уни қоралайди. Буларнинг қайсарлиги туфайли икки ўртада сабзавот савдоси борган сари ёмонлашиб кетаяпти, узлуксиз сабзавот сотишга путур етказилаяпти.

Шунинг учун ҳам июль ойининг биринчи ярмигача 313 ўрнига 267 тонна картошка, 911 тонна ўрнига 603 тонна помидор, 102 ўрнига 70 тонна олма-ўрик сотилди, холос. Узумнинг сотилмаганини гапирмай қўяқолайлик.

Шаҳардаги чакана савдо базаларини картошка, сабзавот билан таъминлаш ҳам мутлақо қониқарсиз. Базаларга бу маҳсулотлар эрта билан соат 9 га етказиб берилиши ўрнига кундуз соат 2—3 да келтирилади. 12-чакана савдо базасида 17 июль куни бир грамм ҳам сабзавот бўлмади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг барча сабзавот магазинларида камида 100 килограммдан лавлаги бўлсин деган топшириғи ҳам бажаридма-ётир. Пунктларда лавлагилар кўп туриб қолиб исроф бўлмоқда. Биргина Ўзагариш пунктининг ўзида 10 тонна лавлаги чириб нобуд бўлган.

Октябрь ва Киров район пишчеторгларида сабзавот сотиш ишига бефарқ қаралмоқда, бу пишчеторгларнинг магазинларида сабзавот сотиш яхши йўлга қўйилмаган. О. Нодиров директор бўлган Октябрь пишчеторги бўйича июлнинг 18-кунида 250 ўрнига фақат 100,2 тонна сабзавот сотилиб, топшириқ атиги 50 процент бажарилди. Бундай аҳволни ўртоқ Ҳасанов директор бўлган Киров, Муҳаммедов директор бўлган Фрунзе пишчеторглари ва «Главгастроном» магазинларида ҳам учратиш мумкин.

Калинин районининг йирик хўжаликларида кейинги кунларда помидор топшириш анча сусайиб кетди. «Назарбек» совхозида 1205 тонна сабзавот топширилган бўлса, бундан 1087 тоннаси фақат карам. Совхоз 18 июлда бор-йўғи 4 тонна сабзавот топширганини қандай баҳолаш керак?! «Тошкент», «Келес» совхозларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас.

Шаҳар аҳолисига мўл-кўл сифатли сабзавот, картошка етказиб берилиши зарур. Бу вазифани ўз зиммасига олган савдо ташкилотлари ишни тубдан қайта қуриб, сабзавот савдосини сансалорликка солмай, тўғри ташкил қилишлари, жон куйдириб масъулиятни хис қилиб ишлашлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Дўкон мудири — кечирасиз, қабул қилолмайман, хўжайинларнмиз...
А. Холиқов чизган расм.

ДИН—ХАЛҚ УЧУН АФЮНДИР

КОЛХОЗДА АТЕИЗМ КЕЧАСИ



Бир группа олимлар Оржоникидзе районидаги «Коммунизм» колхози аъзолари ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар. Бу ерда атеизм кечаси ўтказилди. Суратда: доцент И. Фозилов (чапда) суҳбат ўтказмоқда. Колхозчилар унинг суҳбатини зўр қизиқиш билан тингламоқдалар.

А. Абалян фотолари.

Снёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг Тошкент область ҳамда Оржоникидзе район бўлимлари район партия комитети билан биргаликда «Коммунизм» колхозида илмий-атеистик кеча ўтказди.

Колхознинг Навоий участкасида бўлиб ўтган бу мароқли учрашувда хўжалик аъзоларидан жуда кўп кишилар иштирок этдилар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ У. Исломов қисқача кириш нутқи билан атеизм кечасини очиб, бу ерга Снёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият область бўлимининг илмий-атеистик секциясининг бошлиғи, фалсафа фанлари кандидати П. Хамидов, ТошМИ доценти, медицина фанлари кандидати И. Фозилов, ТошДУ фалсафа кафедрасининг старший ўқитувчиси И. Раҳимов, Табиий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейининг илмий ходими Х. Зоҳидов ва бошқа ўртоқлар келганлигини айтади.

Шундан сўнг олимлар бирин-кетин минбарга чиқиб, шу хўжалик аъзолари номидан тушган бир қатор саволларга жавоб қайтардилар. Олимлар билан колхозчиларнинг учрашуви кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Қуйида биз колхозда ўтказилган илмий-атеистик кечада қатнашган олимлар суҳбатининг қисқача мазмунини баён қилдик.

Ўтмишда ва ҳозир

Фалсафа фанлари кандидати П. Хамидовнинг «Ислом дини ва оила» ҳақидаги суҳбати тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Қадим замонлардан бошлаб дин, — деди нотиқ, — кишиларнинг оилавий муносабатларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Қуръон, сунна, шариат ҳамда мусулмон руҳонийлари томонидан ёзилган жуда кўп китобларда хотин-қизларнинг оиладаги роли камситилади, эркакларнинг қадр-қиймат даражаси юқори қўйилади. Қуръон эрга хотин устидан ҳокимлик қилиш ҳуқуқини беради. Эрларнинг буйруғига итоат қилмаган хотинни уриш, айрим ҳолларда ўлдириш ҳуқуқини ҳам беради. Шариатда «хотин эрга тамомила итоат этгани ҳолда, унинг буйруғига бўйсунмоғи керак» дейилади. Бундан кўриниб турибдики, исломнинг оилага бўлган муносабати хотин-қизларнинг оиладаги ролини ерга уради, эксплуататор синфларнинг ҳамма нарсани, шу жумладан ор-номус, қадр-қиймат, муҳаббатни сотиш ва сотиб олишга асосланган жирканч манфаатларини ҳимоя қилади.

Демак, барча динлар каби ислом динида ҳам чин севги ва муҳаббат тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Сабаби — ислом севги ва муҳаббат худо томонидан юборилган, деб тарғиб қилади. Революциядан илгариги Ўзбекистонда оилавий муносабатлар шу юқорида айтиб ўтилган ислом динининг урф-одатларига асосан тузилганди.



Ўртоқ П. ХАМИДОВ

Мамлакатимизда эксплуататор синфлар тугатилиши билан бирга, оилавий муносабатлар тубдан ўзгарди. Социалистик жамиятимизда янги социалистик мазмунга эга бўлган соғлом оила ташкил топиб, ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Социалистик оиладаги севги — муҳаббат диний урф- одатларга асосланган никоҳга қарама-қарши бўлиб, эр-хотин ўртасидаги ахлоқий поклик, юридик никоҳ асосида мустаҳкамлангандир.

Социалистик оилада чин муҳаббат дин асосида эмас, балки меҳнат процессида, кишиларнинг бир-бири билан яқин муносабатда бўлиши процессида таркиб топади ва ривожланади. Бизнинг жамиятимизда меҳнат никоҳ ва оилага гўзаллик, хушчақчақ ҳаёт бахш этади. Демак, социалистик жамиятимизда оиланинг гуллаб-яшнаши ва мустаҳкамланиши учун моддий ва маънавий база вужудга келтирилган. Ўтмишда эзилиб келган ўзбек хотин-қизлари эндиликда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида коммунизм қурилишининг улуғвор вазифаларини амалга оширишда эркаклар билан бир қаторда актив иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги вақтда республикамиз саноат корхоналари ва қурилишларида 5 мингга яқин хотин-қиз инженер, 10 минг 500 хотин-қиз техник, 3 мингдан кўпроғи эса агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари бўлиб ишламоқдалар. Республикамизда илмий ходимлар ўртасида 3700 хотин-қиз хизмат қилмоқда. Булардан 23 таси фан докторларидир. Республикамизда олий маълумотли мутахассисларнинг 40 процентини хотин-қизлар ташкил этади. Партиямиз тарихий XXII съездига Ўзбекистондан 31 коммунист хотин-қиз делегат бўлиб қатнашди.

Нотиқ республикамизда хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида шу тариқа актив иштирок этаётганини таъкидлаб, фаровон турмуш кечираётган бахтиёр социалистик оилалар тўғрисида кўплаб мисоллар келтирди.

Бироқ, дейди у, партия ва ҳукуматимизнинг совет оиласини мустаҳкамлаш, уларнинг турмушини фаровон қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларига қарамасдан, ҳали ҳам диний урф-одатлардан, эскилик сарқитларидан халос бўлмаган оилалар ҳам учраб туради. Хотин-қизлар ҳуқукини камситадиган турли хил ярамас урф-одатларга амал қилиб, хотин олиб, хотин қўйишни ўзларига касб қилиб олган кишилар областимизнинг айниқса Бўстонлиқ, Оржоникидзе, Чиноз районларида борлиги маълум. Партия, комсомол, совет, касаба союз ташкилотларининг энг шарафли бурчларидан бири — совет оиласини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг оиладаги ролини камситадиган, совет оиласини бузишга интилаётган безори элементларга қарши кураш олиб боришдан иборатдир.

Коммунизм янги кишисини ўқитиш ва тарбиялаш — совет оиласининг шарафли бурчидир.

Зарарли ақидалар ва фойдали маслаҳатлар

Бу масала юзасидан медицина фанлари кандидати ўртоқ И. Фозилов суҳбат ўтказди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукумати барча совет кишиларини, шу жумладан ёшларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар, — дейди ўртоқ Фозилов. — Лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу ишларни муваффақиятли равишда олиб боришга ўтмишнинг диний ҳамда хурофий сарқитлари мазлум даражада тўсқинлик қилмоқда. Бешик тўйи, тумор ва кўзмунчоқ тақиш, хатна тўйи, исириқ тутатиш, кинна солиш, ром очиш, кўчириқ қилиш, фолбинлик ва бошқа ҳар турли ирим-сиримлар ана шу сарқитлар жумласидандир.

Совет кишиларининг онглилиги, маданий ва маънавий савияси беқиёс даражада ўсган, мамлакатимизда фан ва техника кучли равишда ривожланган, асрий орзуларимиз рўёбга чиқиб, ижодкор халқимиз табиатни ўзига тобора кўпроқ бўйсундираётгани ҳозирги даврда бир қисм қолоқ, тушунчаси паст кишилар онгида айрим эскилик сарқитларининг ҳануз яшаб келаётганлиги ачинарли бир ҳолдир.

Эскилик сарқитлари ҳамда диний хурофотлар гоят зарарли бўлиб, кишиларни чалғитади, уларнинг соғлиғига путур етказади. Турмушда бундай мисоллар тез-тез учраб туради.

Шундан сўнг олим айрим эскилик сарқитлари ва уларнинг зарарлари ҳақида гапиради. Масалан, бешик тўйини олайлик, — дейди у. — Бешикка солиш маросими катта чиқим талаб қиладиган сарқитлардан биридир. Бунда қовму-қариндош, қўни-қўшнилар иштирокида чўзма-чалпаклар пиширилиб, ош-нон қилиб талай меҳмон кутилади. Узоқ ва яқин қариндошларга, ҳатто масжиддаги домла-имом ва сўфиларгача чўзма улашилади. Шу тариқа бешикка солиш маросими расмий тўйга айланади. Болани бешикка солиш вақтида ёстиқ тагига тароқ, қайроқ, тошойна, устара ва кулча нон қўйилади. Бундан гўё бола ҳамиша тароқдек чидамли, унинг боши тошдек қаттиқ, тили устарадек ўткир, бахти ойнадек ёруғ, ўзи эса доимо нондек азиз, ризқли ва давлатманд бўлсин, деган мақсад кўзда тутилади.

Шуни айтиш керакки, эски расм-одатлар гигиенага мутлақо тўғри келмайди. Бола бошидаги нонга кўпинча сичқонлар келиб, митти гўдак ҳаётини хавф остида қолдирган пайтлар ҳам бўлган.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Ёш болаларга «илиги тўлсин» деб думба ёғи едирган, нонни қандга аралаштириб огизда чайнаб, кейин донга солиб болага сўрдирадиган оналар ҳам учраб туради. Бу ҳам гигиенага хилоф бир нарсадир.

Бешик, дейди нотиқ, бола тарбиясида эскиликнинг энг зарарли қолдиқларидан биридир. Бешик ҳали ҳам халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, унинг ўзи ва асбоблари гигиена қонун-қоидаларига мутлақо зиддир. Бешик боланинг нормал ҳаракатига ва ўсишига тўсқинлик қилади. Бола тоза ҳаво ва эркин нафас ололмагани устига, офтобдан ҳам тўла фойдалана олмайди. Бу эса боланинг заиф бўлишига сабабчи бўлади. У яхши ўсмай, нимжон бўлиб, турли касалликларга тез-тез чалинадиган бўлиб қолади. Бешик кўп вақт айниқса рахит касаллигининг кучайишига ва тараққий қилишига имкон беради.

Олимнинг айтишича, баъзи одамлар қандайдир кўз тегишигаишонадилар. Гўё бир хил одамларнинг кўзлари фақат кўриш вазифасини адо этиб қолмай, балки кишиларга зарар етказиш қобилиятига ҳам эга эмиш. Айрим қолоқ кишилар ҳали ҳам сув нафас ва кўзланишга ишониб, ўзини ва болаларини бундан сақлашга ҳаракат қиладилар. Болаларга кўзмунчоқ тақиб, исириқ ҳам солдирадилар.

Медицина кўзланишни тамомила инкор қилади. Бу нарса фақат домла, аъзайимхон ва эшонларнинг пул топиш йўлидаги ҳийла-найрангларидан бошқа нарса эмас.

Нотиқ медицинага хилоф бўлган эзибички ва тутатқи, кинна солиш ва бошқа ярамас урф-одатлар ҳақида гапириб, бир қатор мисоллар келтиради. Эзибички кўпинча узоқ вақтлардан бери ётган беморларга ёзиб ичкизилади. Қанча пул сарфлаб ёздириб олинган оят ва суралар қоғозда бўлса, пиёлага солиб сувга бўктирилади. Ҳамма ёзувлар сувга чиқиб бўлгач, бу сув ниманидир ўқилиб, шифо бўлсин деб беморга ичирилади. Қоғозни эса бемор оғзига солиб шимдирилади.

Исириқ ва кинна солиш ҳам ана шундай ярамас расм-русмлардан иборатдир. Исириқ дала ва чўлларда ўсадиган гиёҳ бўлиб, у гўё одамни кўз тегиш, инс-жинс, ёмон назар ва бошқалардан асрар эмиш. Баъзи оналар исириқ донасини тумор ичига жойлаб, болаларга тақиб қўядилар. Айрим ҳолларда бола туғиладиган вақтда ҳомиладор аёлларга исириқни сувга ивитиб ичишни тавсия қиладилар. Шундай қилинса, гўё туғиш процесси енгиллашар эмиш. Ваҳоланки, фақат докторларгина туғишни енгиллаштирадилар.

Дам солиш ва аъзайимхонлик ҳам киши саломатлигига катта зарар етказувчи эски, диний урф-одатдир. Айрим оналар болалари бетоб бўлиб қолса, тездан врачга қаратиш ўрнига дам солдириб кўрадилар. Бу билан улар касалликнинг зўрайиб кетишига сабабчи бўладилар. Маълумки, юқимли касалликларнинг ўзига хос микроблари бўлиб, бу микроблар болалар ва катталарга юқиши натижасида касаллик вужудга келади. Юқумли касалликлар канча тез аниқланса, унинг тугатилиши шунча тез бўлади. Бу билан бошқа кишиларга юқиш хавфининг олди олинади. Бордию, юқумли касалликка учраган беморларни врачга билдирмасдан, текинхўр домла-имомларга олиб бориб кўчиртирилса, ёки дам солдирилса, у ҳолда, биринчидан, беморнинг тақдири катта хавф остида қолиши мумкин, иккинчидан эса, касалликнинг кўпчиликка юқишига олиб келади.

Нотиқнинг авлиёлар ва мозорларга сиғиниш ва бошқа иримсиримларнинг кишиларга етказаётган катта зарари ҳақидаги суҳбатини ҳам илмий-атеистик кеча қатнашчилари эҳтиёт билан тингладилар.

„Эзибички"га ишониб...

Тошкент Давлат университети фалсафа кафедрасининг старший ўқитувчиси И. Раҳимовнинг «Диний урф-одатлар ва уларнинг зарари» тўғрисидаги суҳбатини ҳам кеча қатнашчилари зўр қизиқиш билан тингладилар. Урф-одатлар, — дейди нотиқ, — жамият ҳаётининг муайян соҳасида кишиларнинг хулқ-атворини тартибга солиш хусусиятига эга бўлиб, маълум ижтимоий муҳитда қарор топади ва халқ психологиясининг муҳим томонини ташкил этади. Урф-одат ахлоқ категорияси бўлиб, жамият тараққиёти натижасида ўзгариб, такомиллашиб боради. Ҳар бир халқнинг ўз шароитига мослашган прогрессив урф-одатлари бўлади ва бундай ижобий урф-одатлар халқ оммасини меҳнатсеварликка, ҳалолликка, кишиларга нисбатан меҳрибон бўлишликка ва ҳоказо чин инсоний хислатларни намоён қилишликка ундайди. Шунинг учун ҳам халқ оммаси ижод қилган бундай ахлоқий хусусиятларни эксплуататор синфлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган, кишиларни ком'мунистик меҳнатдан, чин инсонпарварликдан четга тортишга асосланган диний урф-одатлар билан аралаштириб, қориштириб юбориш сира ҳам ярамайди.

Диний урф-одатлар — намоз ўқиш, рўза тутиш, азон айтиш, диний байрамларга қатнашиш, «мўқаддас» жойларга сиғиниш ва ҳоказолар кишиларни ҳақиқий реал воқеликдан юз ўгиришга чақиради ва ўзининг хатти-ҳаракатлари билан илоҳиётга илтижо қилади, ундан мадад сўрайди.

Лектор диний тасаввурлар ва урф-одатларнинг қандай қилиб пайдо бўлганлиги ва унинг реакцион моҳиятини жуда содда тил билан, жонли мисоллар асосида тушунтириб берди. Шунинг билан бирга эски урф-одатларга ҳали ҳам ишониб келаётган ва унинг барча маросимларини изчиллик билан бажараётган айрим кишилар тўғрисида гапирди. Нотиқ бир қанча мисоллар асосида дин пешволарининг ўтакетган бемаънилигини, содда кишиларни қандай қилиб алдаб келаётганликларини айтиб берди.

Ислом динини пеш қилиб, текинхўрлик билан кун кўришга одатланиб қолган руҳонийларнинг ёлғон-яшиқ гапларига шу районда турувчи Х. исмли аёл ишонган. Бу аёл кетма-кет уч қиз туққан эди. Тўртинчи марта ҳомиладор бўлганида у Собира отин деган бир товламачи хотиннинг ҳузурига боради ва ундан ҳомиласини ўғил қилиб туғдиришни илтимос қилади. Товламачи хотин бу содда аёлга «эзиб ички» қилиб беради ва унинг ҳомиласининг ўғил бўлишлигини айтади. Фрибгарнинг гапига ишониб, снёҳ билан ёзилган қоғозни ютган бу аёл, ўзининг тўрт ойлик боласини шу тариқа нобуд қилади.

Диний урф-одатлар кишилар турмушидаги энг муҳим воқеаларга — никоҳ, тўй қилиш каби традицияларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган ва ҳали ҳам бу соҳада динга сажда қилувчи кишилар бор. Буни биз баъзи жойларда ёш қизларни эўрлаб эрга бериш, диний никоҳ ўқитишда, кишиларни «хўжа» ва «қора»ларга бўлишда яққол кўрамиз. Кўпинча бир-бирини севишган қиз-йигитлар дин пешволарининг йигит «қора», қиз «хўжа» авлодидан деган бемаъни гаплари орқасида диний урф-одатларга риоя қилувчи ота-оналарнинг қаршилигига дучор бўлиб, ўз мақсадларига эришаолмайдилар, яъни биргаликда оила қуролмайдилар.

Ўртоқ И. РАҲИМОВ

Ёш философ ўз сўзининг охирида айрим дин ҳомийларининг бузуқлиги, ахлоқсизлиги, чайқовчилик билан шуғулланиши, худбинлиги ва социалистик жамиятимизга ёт бўлган турли хил найранг бозликлари тўғрисида ҳам кўплаб мисоллар келтирди. Дин ва диний урф-одатларни тарғиб қилаётган руҳонийларга ва умуман диний урф-одатларнинг турли хил кўринишларига қарши чидам билан кураш олиб бориш ва бу соҳада фан ва техника эришган ютуқлардан кенг фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эндиликда халқимиз онгига тобора сингиб бораётган янги анъаналар, янги урф-одатлар — фарзандларнинг туғилган кунини нишонлаш, меҳнатда эришган ғалабаларни тақдирлаш, комсомол тўйлари ва ҳоказолар диний урф-одатларни тобора жамиятимиздан қисиб чиқармоқда.

Бизнинг коммунизм сари боришимизда гўзал жамиятимизга қора доғ бўлиб тушаётган диний урф-одатлар ва уларнинг зарарли оқибатларига қарши кураш барча совет жамоатчилигининг муқаддас бурчидир.

* * *

Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Убай Исломов илмий-атеистик кечага тўпланган колхозчилар номидан кечада иштирок этган олимларга раҳмат айтди ва улардан колхозларга тез-тез чиқиб туришларини илтимос қилди.

Р. НОРЖИГИТОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

Осмон „сирлари"

Табиий ва илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейининг илмий ходими ўртоқ Х. Зоҳидовга сўз берилади. У Ой ва Қуёшнинг тутилиш сабаблари, учар юлдузлар ҳамда космик парвозлар юзасидан тушган саволларга жавоб қайтарди.

Ой ва Қуёш тутилиши қандай содир бўлади? Бу масалага фан ва дин турли нуқтаи назардан қарайди ва бу ҳодисаларни турлича изоҳлайди, — дейди нотиқ. — Бунда фан илмга, дин эса бўлмағур ўйдирмаларга таянади. Маълумки, қуёш системаси, Қуёшдан ва унинг атрофида айланиб турган бир қанча кичик ва ҳар турли осмон жисмларидан, 9 та йирик планета, астероидлар, кометалар ҳамда сон-саноқсиз метеор жисмлардан иборатдир.

Биз яшаб турган Ер планетаси қуёш системасида Меркурий ва Венера планеталаридан кейин учинчи ўринда туради. Ернинг бирдан-бир табиий йўлдоши Ой бўлиб, у ўзидан нур сочмайдиган жисмдан иборат, яъни Ой Қуёшдан келган ёруғликни қайтаради.

Ой Ер атрофида ҳаракат қилади, айниқ чоғда у Ер билан биргаликда Қуёш атрофида ҳаракат қилади. Қисқаси, Ой Ер атрофида ҳаракат қилиш процессида Қуёш билан Ер ўртасидаги бир тўғри чизиққа тушиб қолади. Натижада қуёш тутилиши рўй беради. Ой тутилишининг Қуёш тутилишидан фарқи шуки, Ер Қуёш билан Ой ўртасида бўлади. Бунда Ернинг конуссимон сояси Ойга тушади.

Ўртоқ Х. ЗОҲИДОВ

Қуёш ва Ой тутилиши тўғрисидаги чинакам илм турли хил диний ҳамда афсонавий ўйдирмаларни бутунлай рад қилади, — дейди нотиқ.

Шундан сўнг у учар юлдузлар ҳақида гапиради. Юлдузларнинг учиши қуёш системасида ҳаракат қилаётган сон-саноқсиз метеорларга боғлиқдир. Ҳозирги вақтда илм-фан метеорлар «сир»ини очиб берди. Ернинг қатламлари қандай элементлардан ташкил топган бўлса, метеорлар ҳам худди шундай элементлардан ташкил топганлиги аниқланган. Ернинг тортиш кучининг метеорларга бўлган таъсири натижасида бу жисмлар планетамизга тушабошлайди. Шуни айтиш керакки, метеорларнинг атмосферадаги ҳаракат тезлиги секундига 10 ва ҳатто 20 километрни ташкил этади. Натижада улар атмосферанинг кучли қаршилигига учраб, ёниб тушадилар. Айрим метеорлар эса ёниб улгурмасдан ҳам ерга тушади. Хурофотга ишонувчи кишилар бу ҳодисани юлдуз учди деб ўйлайдилар ва буни ўзларича талқин қиладилар. Чала ёниб тушган осмон жисмларини эса худо томонидан юборилган мўқаддас нарса деб ҳисоблайдилар. Мусулмонларнинг мўқаддас шаҳри бўлган Маккадаги қасрлардан бирида кўп вақтлардан бери сақланиб келаётган «қора тош» бир вақтлар осмондан Арабистонга тушган оддий метеордир. Минглаб диндорлар ҳали ҳам шу тошга келиб сиғинадилар.

Шунингдек, нотиқ космосни эгаллаш соҳасида амалга оширилаётган катта ишлар, совет сунъий йўлдошлари ҳамда ракеталар, биринчи совет космонавтлари Гагарин ва Титовларнинг буюк жасорати ҳақида сўзлаб берди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
2-БЕТ, 24 ИЮЛ, 1962 ЙИЛ.

РАККА ҚАРШИ VIII ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ОЧИЛДИ

22 июлда Кремлдаги Съездлар саройининг залида ракка қарши VIII халқаро конгресс очилди.

70 мамлакатдан келган делегатлар одамнинг умрини хазон қилувчи энг даҳшатли дардлардан бири бўлган рак касалликлари устидан ғалаба қозонишни биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб тезлатишдек олижаноб мақсад билан бу ерга тўпландилар. Конгресс ишида фақат медицина намояндаларигина эмас, шу билан бирга илм-фаннинг бошқа тармоқлари — биология, физиология, химия, физика фанларининг вакиллари ҳам қатнашмоқда.

Конгресс ёмон шишларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, профилактикаси, диагностикаси ва даволанишига тааллуқли 800 докладни муҳокама қилади.

Биринчи ялпи мажлисда Ракка қарши халқаро иттифоқнинг президенти профессор Венсан Кханолкар (Ҳиндистон) мажлис аҳлига конгресс президенти — атоқли совет онкологи профессор Н. Н. Блохинни таништирди.

Сўнгра СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Н. Руднев Совет Иттифоқи ҳукумати номидан табрик нутқи сўзлади. У, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг конгрессга йўллаган табрикномасини ўқиб берди.

Мажлисда СССР соғлиқни сақлаш министри С. В. Курашов, СССР Фанлар академиясининг президенти М. В. Келдиш, Москва Совети Ижроия комитети раисининг ўринбосари А. М. Калашников ва бошқалар ҳам нутқ сўзладилар.

Сўзга чиққанлар конгресснинг иши рак касалликларига қарши медицинанинг янада муваффақиятлар қозонишига катта таъсир ўтказади ва конгресс ҳамма мамлакатлар ўртасида халқаро алоқаларни, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнайди, деб ишонч билдирдилар. (ТАСС).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Ишончни оқлаётганлар

Нуриддинга райижрокомда бу ишни топширганларида дастлаб у иккиланиб қолди:

— Уддасидан чиқаолармиканман? Ишимга ҳалакит бермасмикан? Агар уддалайолмасам-чи... Йўқ эплайман, кўпчилик ишончини оқлаш керак. Ўз ишидан ташқари жамоат вазифаларини бажараётганлар ҳам менга ўхшаш кишилар-да.

Эртасига у ишга келар экан, кеча ўзи билан райижрокомга бирга чақиртирилган дўсти Қаюм Худойбергановни учратиб қолди:

— Қаюм бугун ишдан кейин бир тўпланишиб иш режаларини бафуржа гаплашиб олсак.

Штатсиз бўлим аъзолари кечқурун Нуриддинникига йиғилишди. Бўлимнинг иш плани атрофлича муҳокама қилинди. Дастлаб улар ишни район савдо тармоқларидаги аҳволни ўрганишдан бошладилар. Бўлим аъзоларининг диққатини райондаги Барраж, Хўжакент, Боғистон, Бручмулла ҳамда район марказига жойлашган ошхоналар жалб қилди. Бу ошхоналарда тайёрланаётган овқатлар сифатсиз, кўпинча бир хил бўлиб, сабзавот маҳсулотлари деярлик ишлатилмас экан. Санитария-гигиена ишларига ҳам етарли эътибор берилмаган. Баъзи ошхоналарда, ҳатто, ошпазликдан хабари бўлмаган кишилар ошпаз қилиб қўйилган. Айрим савдо тармоқларида эса харидорлар ҳақига хиёнат қилиш, баъзи магазинлар кўпинча берк бўлиши каби фактлар аниқланган.

Бўлим ана шу камчиликларни тугатишга астойдил киришди. Бу масала район матлубот жамиятида кенг муҳокама қилинди, камчилик ва нуқсонлар дадил очиб ташланди, конкрет тадбирлар белгиланди. Район молия бўлимининг бюджет бўйича инспектори Н. Ғуломов мудирлик қилаётган штатсиз савдо ишлари бўлими фаолиятига таллуқли бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бўстонлиқ район партия ва совет ташкилотлари ташаббуси билан жамоат ташкилотларининг ролини ошириш, бошқаришни кенг жамоатчилик асосида олиб бориш мақсадида райижроком ҳузурида тузилган ана шундай штатсиз бўлимлар, чунончи, соғлиқни сақлаш, ташкилий-инструкторлик, маданий-оқартув ва савдо каби жамоатчилик асосида ишлайдиган бўлимлар фаолияти самарали натижалар бераётир. Ҳозир турли жамоат ташкилотлари ва штатсиз бўлимларда 700 дан ортиқ актив намунали иш олиб бормоқда.

Ташкилий-инструкторлик бўлими яхши ташаббусни амалга оширди. У доимий комиссия билан ҳамкорликда райондаги «Қизил туғ» колхозининг донгдор чорвадорлари А. Эштоев, Ў. Эштоев, Фрунзе номли колхознинг илғор чўпони А. Қўшкинбоев ва сут соғувчи С. Раззоқова ўртоқларнинг иш тажрибаларини бошқа хўжаликларда оммалаштирди. Натижада районда уларнинг ўнлаб издоши майдонга чиқди. Маданий-оқартув бўлимининг ташаббуси билан эса Искандар посёлкасида ҳуқуқ масалаларини ўрганиш халқ университети ташкил этилди.

Шунингдек, районда ташкил этилган ўртоқлик судлари ва халқ дружиналарининг ишлари ҳам диққатга сазовордир. Составида 120 киши бўлган 25 та ўртоқлик суди, ўз сафларига 400 дан ортиқ кишини бирлаштирган 27 та халқ дружинаси жамоат тартибини сақлаш, кишиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш, жиноятга қарши курашда район халқ суди, прокуратура ва милиция органларига яқиндан ёрдам бермоқдалар, Товоқсой ва Сижжакда ташкил этилган ўртоқлик суддарининг ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Сижжакдаги ўртоқлик суди ишёқмас, текин пул топиш йўлига кирган ва кишилар онгини дин билан заҳарлаб келган қишлоқ «мулласи» Қосимхўжа қори билан алоҳида шуғулланди. Судда унинг иши кўрилиб, фойдали меҳнатга тортилди. Бундай тарбиявий чоралар, шубҳасиз, самарали натижалар бермоқда.

Бундан ташқари районда штатсиз пенсионерлар ва хотин-қизлар советлари, ота-оналар, квартал ва маҳалла комитетларининг жамоатчилик асосида олиб бораётган ишларини ҳам намуна қилиб кўрсатса арзийди.

Умуман, Бўстонлиқ районида жамоатчилик асосларини ривожлантиришда анчагина тажриба тўпланди. Жуда кўп штатсиз бўлимлар, доимий комиссияларнинг ходимлари район ҳаётида актив қатнашиб, ўзларига билдирилган ишончни оқламоқдалар.

Э. ЮНУСОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
Материаллари изидан

„ЭНДИ НИМА ДЕЙИШАР ЭКАН?"

4-мебель фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатсизлиги, бунга корхона дирекциясининг кадрларни танлашда жиддий камчилик ва хатоларга йўл қўйиши сабаб бўлаётгани тўғрисида газетамизнинг 21 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолага редакция қўйидаги жавобни олди:

«Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши енгил саноат бошқармаси ва Киров район партия комитетнинг вакиллари томонидан ўтказилган текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Фабрикада ишлаб чиқаладиган мебелларнинг сифатини яхшилашда бирмунча силжиш рўй бераётган бўлса-да, сифат даражаси ҳали ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби, фабрика дирекцияси ва жамоат ташкилотларининг ишлаб чиқаришни пухта ташкил қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларига эътиборсизлик билан қараганидадир.

Текшириш натижалари Киров район партия комитети бюросининг мажлисида бошқарма ходимларининг иштирокида муҳокама қилинди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланди.

Фабрика директори Б. И. Войлошникова район партия комитети бюросининг қарори билан виговор эълон қилинди.

„ПРИНЦИПИАЛЛИК ҚАНИ?"

Бўстонлиқ районидаги Тельман номли мактаб директори Жўра Юсуповнинг ножўя ишлари ҳақидаги редакциядан юборилган материални текширишда мактаб бошланғич партия ташкилоти принципсизлик қилгани газетамизнинг шу йил 4 июль сонидаги мақолада танқид қилинган эди.

Яқинда шу материалга район партия комитетнинг секретари ўртоқ Тожибоевнинг имзоси билан жавоб олинди. Унда айтилишича мақола район партия комитети бюросининг барча мактаб директорлари иштирокида ўтказилган мажлисида кенг муҳокама қилинган.

Бюрода Ж. Юсуповнинг мактаб хўжалигига ноқалол муносабатда бўлгани қаттиқ қораланган. Бу хатти-ҳаракатлари учун Юсупов партиядан ўчиришга ҳам лойиқ деб топилган. Бироқ унинг ўз хатоларига иқрор бўлгани, бундай камчиликларни такрорламаслиги тўғрисида қаттиқ ваъда бергани, қарзга берган тахталарнинг пулини ундириб мактаб кассасига топширгани, эшик ва бир кубометр тахтани мактабга қайтариб бергани ҳисобга олиб партия жазоси бериш билан чекланишни лозим деб топилган.

Бюро мактаб бошланғич партия ташкилотининг 21 майдаги Ж. Юсупов ҳақида чиқарган қарорини бекор этган ва учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилган.

Мактаб устахонасининг мудири М. Мирхантов мактаб машинасидан нотўғри фойдаланган ва махсус маълумотга эга бўлмагани учун ишдан бўшатилган.

Мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланган. Бюро қарори райондаги барча мактаб бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинган.

АВТОМАТЛАР ИШГА ТУШДИ

Келесдаги 7-гишт заводлари бошқармаси коллективи ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган оғир операцияларни енгиллаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга эришаётир. Шунинг учун ҳам корхона республикамизда гишт заводлари ичида энг механизациялашгани ҳисобланади.

Яқинда заводда яна бир автомат установка ишга туширилди. Бу агрегат кўмирни айланма печга автоматик суратда етказиб беради. Автомат установка ўзининг тузилиши жиҳатидан жуда оддий бўлиб, уни бошқариш ўнгай. Машинани ишга туширишдан кўмир ташишда боғлиқ бўлган 17 киши оғир қўл меҳнатидан халос қилинди ва бошқа ишларни бажаришга ўтказилди.

Янги агрегат ёқилғини навларга ҳам ажратиб туради. Масалан, йирик кўмир парчалари печь ўтхонасига, ундан кўра майдароқлари тўғри печнинг ўзига, кукун ҳолдаги кўмир эса гишт тайёрланадиган лой шихтасига узатиб берилади. Бу гишт заводи коллективи учун жуда қўл келди. Маҳсулот сифатини яхшилаш имконини тўғдирди. Кукунга айланиб кетган кўмирнинг лойга аралаштирилиши гишт сифатини яхшилади, унинг чидамлилигини оширди. Чунки гишт пиширилаётган пайтда лой ичига аралашган кўмир кукуни ёниб кетади, бу билан пишиқ гиштда майда тешиқчалар ҳосил бўлади. Натижада гишт яхши пишади ва мустаҳкам бўлади.

Янги автомат установкани уч аппаратчи бошқармоқда. У Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши бинокорлик материаллари саноати бошқармаси корхоналаридаги шундай типдаги энг катта агрегатдир. Дастлабки ҳисобларга кўра, бу установка ҳар йили давлатга 25 минг сўмдан ортиқ фойда беради.

Бошқа гишт заводлари бошқармаларида ҳам иш жараёнларини механизациялаш, янги асбоб-ускуналарни жорий қилиш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. 5-гишт заводлари бошқармасининг филиалида қуриган хом гиштни печга олиб кирувчи установка қурилди ва ишга туширилди. Пишган гиштни автомашиналарга ортиш тўла механизациялашди. Бу тадбир ҳар йили корхонага кўплаб давлат маблағини тежаб қолиш имконини туғдиради.

Қ. АҲМЕРОВ.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

О, ЗУМРАД ҒЎЗАЛАР...

Ғўзалар, ғўзалар, зумрад ғўзалар,
Сиз зеҳним чароғин равшан нурисиз;
Тиру кун мен билан улфат ғўзалар,
Сиз қалбим тандирни сўнмас қўрнисиз.
Тунлари кезаман қонмайин меҳрим —
Сув тараб пўрсилдоқ тагларингизга;
Тунлари кезаман қонмайин меҳрим
Фусункор шона-ю барглрингизга.
Тун кўрки — ойтўма сочганда кумуш,
Зар либос кийгандек жилваланасиз.
Жилвангиз сеҳри-ла этасиз сархуш
Ва барим тортқилаб эркаланасиз...
Анвойи шонангиз хушбўй исларин
Пуркар димоғимга ел тўлқинлари;
Оҳ, завқдан жўш уриб юрак ҳисларим,
Асло қошингиздан кетолмам нари...
Уйқумни тарк этиб сўлим саҳарлар —
Бағрингиз кезмасам ботиб шабнамга,
Гўёки юз буриб мендан зафарлар,
Гўёки оромим қўнмас танамга.
Ғўзалар, оловлар пуркаса офтоб,
Елкамдан бамисли ёмғир қуйилар.
Аммо иақ мириқиб ичгандек гулоб —
Бағрингиз мен учун роҳат туюлар.
Ғўзалар, ғўзалар, сиз менинг севгим,
Мардлар ўз севгисин этмасми иззат!
О, дилбар ғўзалар, сиз менинг севгим,
Сиз билан ҳар маҳал топаман лаззат...

Ямин ҚУРБОНОВ.

МЕН ҚАЙГА БОРАР БЎЛСАМ...

(ГУЛИСТОН ҚУШИҚЛАРИДАН)

Термаларим, термалар, ҳам ўнгимда, тушимда
Кўринасиз кўзимга ҳатто қилган ишимда
Улфатимсиз, термалар!
Отадан олтов эдик, сен-ла етти дегулик.
Куй-куйлашим бор мани қайда бўлса эгилик.
Қанотимсиз, термалар!
Гулистон борар бўлсам, унда барқарор бўлсам,
Қўшиқ тўқиш куйида тунлари бедор бўлсам,
Изимимдасиз, термалар.
Мирзачўллик холдорни кўрмоққа хуштор бўлсам,
Соғинсаму сўзига интиқ, интизор бўлсам
Назмимдасиз термалар.
Терма бобонгнинг сўзлар сўзи бўлган, дейдилар.
Етук, дилкаш оқиннинг ўзи бўлган, дейдилар.
Ота мерос термалар.
Юз куйда куйланасиз пахтакорлар райида,
Юз рангда товланасиз чўпонларнинг иайида
Нурга қиёс термалар.

Тўра СУЛАЙМОН.

Ўзбекистон машиналари— қардош республикаларга

Тожикистон меҳнаткашлари Ўзбекистон машинасозларидан қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва ғўза касалликларига қарши курашда яхши ёрдамчи агрегатлар оладилар. Тошкентдаги «Автотрактородеталь» заводи қўшни республикага «ОТН-4-8» маркали янги чанглагич-пуркагичнинг бир гуруҳини жўнатди.

Завод коллективи етти йилликнинг тўртинчи йилида Тожикистон пахтакорларига юзга яқин чанглагич-пуркагич машина жўнатади. Озарбайжон, Киргизистон, Арманистон, Туркманистон ва Қозоғистон колхоз ва совхозлари неча юзлаб ана шундай агрегат оладилар. (ЎзТАГ).

Суратда: Бекобод районидаги Ленин номли колхоздаги ўртоқ Х. Ҳамроқулов бошлиқ бригаданинг моҳир сувчиси ўртоқ М, Сангинов эгатларда сувнинг оқишини кузатмоқда.
А. Абалян фотоси.

Халқаро аҳвол

Перудаги аҳволга доир

НЬЮ-ЙОРК, 21 июль. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбири Лимадан хабар беради: Перуда давлат тўнтаришини амалга оширган офицерлар Қўшма Штатларда таълим олганлар. Америка ҳарбий ёрдам программаси уларни президент Прадони ағдариб ташлаш учун керакли воситалар билан таъминлаган. Масалан, президент саройини ишгол қилиш операцияларига раҳбарлик қилган полковник Гонсало Брисено АҚШда «партизанлар билан кураш» таълимини олган, тўнтаришнинг бошқа бир раҳбари Тирадо Ламба шу йилнинг июнь ойида АҚШдаги ҳарбий денгиз ўқув юртини тамомлаб чиққан. Мухбирнинг ёзишича, қўшиналарнинг уч турида хизмат қилувчи неча юзлаб Перу офицерлари ва солдатлари Панама канали зонасида Пентагоннинг ихтисослаштирилган ҳарбий ўқув юртларида таълим олганлар.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар беришича, ҳарбий хунта «Мануэль Прадо ҳукуматини ағдариб ташлашга мажбур этган сабабларни тушунтириб бермоқ учун» Қўшма Штатларга делегация юбормоқчи. Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг хабар беришича, Перу пойтахти Лимада ишчилар ва студентларнинг мамлакатда ҳокимиятни босиб олган ҳарбий хунтага қарши намойишлари давом этмоқда. Моторлаштирилган полициянинг зарбдор отрядлари кўздан ёш оқизадиган бомбалар ёрдами билан намойишчиларни тарқатиб юбориш учун беҳуда уринмоқдалар. Орадан бир неча минут ўтиши биланоқ намойишчилар шаҳарнинг бошқа районларида тўпланмоқдалар.

НЬЮ-ЙОРК, 21 июль. (ТАСС). АП агентлиги Лимадан хабар беради: ҳарбий хунта телефон шохобчаси ходимларининг иш ҳақи шу йил 1 июлдан бошлаб оширилади. деб эълон қилганидан кейин, телефон шохобчаси ходимларининг забастовкаси тамом бўлди.

Женевадаги якунловчи мажлисда

ЖЕНЕВА, 21 июль. (ТАСС махсус мухбири). Лаосга бағишланган кенгашнинг бугун бу ерда якуновчи мажлиси бўлди. Совет Иттифоқи ташқи ишлар министри А. А. Громико мажлисда нутқ сўзлаб айтдики, кенгаш қатнашчилари бир талай қийинчиликларни енгиб ўтдилар, бу қийинчиликларнинг бир қисми кенгаш олдига бутуплай уйдирма ва сунъий масалалар қўйилганлиги натижасида туғилган эди.

«Лекин бугун асосий нарса бу эмас... Бугун асосий нарса шуки, Шарқи-Жанубий Осиёдаги уруш хавфининг яна бир ўчоғи тугатилди, бу районда тинчликни мустаҳкамлаш ишига муҳим қадам қўйилди.

Маълумки, Лаос конфликти пайдо бўлган кундан бошлаб, Совет ҳукумати ва унинг бошлиғи шахсан Н. С. Хрушчев Лаосда тинчликни тикламоқ ва унинг ишларига чет давлатларнинг аралашувини тўхтатмоқ учун кўп куч ва ғайрат сарфлаб келдилар. Биз Лаос халқининг адолатли курашига қизғин ҳайрихоҳлик билдириб, бу курашни тўла равишда қувватладик».

А. А. Громико кенгаш қарорларини табриклади. У, Лаоснинг бетарафлиги тўғрисида кенгаш ишлаб чиққан декларациянинг ва шу декларацияга илова қилинган протоколнинг Шарқи-Жанубий Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамда Лаоснинг тинч, суверен мустақил, бир бутун давлат бўлиб ривожланмоғи учун жуда катта аҳамияти борлигини айтиб ўтди.

СССР ташқи ишлар министри шу нарсани эслатиб ўтдики, «аввало, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ президенти Ж. Кеннедининг ўтган йил июнь ойидаги учрашуви натижалари туфайли Лаосга бағишланган кенгашда амалий музокараларга томон яхши бурилиш вужудга келди. Лаосликларнинг ўзлари сайлаган ҳукумат бошчилигидаги мустақил ва бетараф Лаосни қувватлаш тўғрисидаги ҳамжиҳатлик шу учрашувда вужудга келди, бу ҳамжиҳатлик кенгашнинг муваффақиятли тугалланиши учун йўл очиб берди. Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев яқинда айтиб ўтганидек, битимга келишга интилиш бўлган тақдирда, мураккаб халқаро проблемаларни ҳал қилиш йўлини топиш мумкинлигини Лаоснинг мисоли кўрсатиб турибди».

ХАТАРЛИ ЎЙИН

ПАРИЖ, 21 июль. (ТАСС). Француз жамоатчилигининг кенг доиралари Америка ҳукуматининг атмосферанинг юқори қатламларида ядро қуроли синовларини давом эттириш ниятига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирмоқдалар.

«Юманите» газетаси бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: америкаликларнинг 24 июлда жуда баландликда ядро қуролини яна портлатиш ниятида эканлиги АҚШдаги ҳукмрон доиралар ер юзининг ҳамма қисмида қилинаётган жиддий огоҳлантиришларни очиқдан-очиқ менсимаётганликларини исбот этади. Америка ҳукумати, дейилади яна мақолада, сувдан қурук чиқишга бехуда уринмоқда. Америка ҳукумати жавобгарликдан қочиб қутилолмайди.

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ ТОР-МОР ҚИЛИНДИ

ГАВАНА, (ТАСС). Кубада «революцион тиклаш ҳаракати» деб аталган катта контрреволюцион гуруҳ батамом тугатилди; бу гуруҳни Мануэль Артиме ва унинг бир тўда шериклари 1959 йилнинг охирида тузган эди. Булар ўтган йилнинг апрель ойида Плайя-Хиронга империалистлар томонидан қилинган агрессияда қатнашган эдилар. Мануэль Артиме ўзининг жиноятлари учун революцион трибунал томонидан 30 йил қамоққа ҳукм қилинди. Бу гуруҳнинг ҳамма раҳбарлари ва аъзоларининг деярлиқ ҳаммаси ҳозирги вақтда қамоққа олинди.

Бу гуруҳнинг қамоққа олинган раҳбари Хуан Фалькон яқинда Гавана радио ва телевидениеси орқали гапирди. У, журналистларнинг саволига жавобан, бу ташкилотнинг контрреволюцион фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб берди.

АҚШ марказий разведка бошқармаси, деди у, бу «ҳаракатнинг» планларини тузиб берган эди. Шу планда Фидель Кастрони, Рауль Кастрони, Блас Роккани, Карлос Рафаэль Родригесни, Эрнесто Геварани ва революциянинг бошқа раҳбарларини қасддан ўлдириш, шунингдек экономикага путур етказиш мақсадида игвогарликлар ташкил этиш ва саботаж уюштириш кўзда тутилган эди.

Ташкилотнинг бутун қўпорувчилик фаолияти, деди Фалькон, АҚШ марказий разведка бошқармасининг раҳбарлигида амалга оширилди. Марказий разведка бошқармаси аста-секин бизни ўзига батамом итоат қилдириб олди ва бизга ёрдам бериб турди. «Биз галаба қилганимиз тақдирда, АҚШ 1959 йилнинг 1 январига қадар бўлганидек ватанимиз устидан яна ўз контролини ўрнатишни» мақсад қилиб олган эди. Ташкилотнинг ишончсиз аъзолари, деди Фалькон, марказий разведка бошқармасининг буйруғи билан ўлдириб юборилар эди. Марказий разведка бошқармаси бизга пул, қурол ва аппаратлар бериб турди, марказий разведка бошқармасининг агентлари бундай аппаратлардан бошқа мамлакатларда жосуслик қилиш учун фойдаланадилар».

Марказий разведка бошқармаси ташкилотимизни ўзига бутунлай бўйсундириб олганлиги натижасида, деди Фалькон, «бизнинг ҳаракатимиз сафларида бузилиш бошланди». Куба давлат хавфсизлиги бошқармаси «бизнинг ҳамма планларимизни барбод қилиб ташлаётганлиги сабабли» бу бузилиш янада кучайиб кетди. «Ҳаракатнинг» ҳамма раҳбарлари ва деярлик ҳамма аъзолари қамоққа олинди.

Марказий разведка бошқармасининг агентлари билан шахсан алоқа қилиб турганлигим натижасида, — деди сўзга Фалькон, — «ҳозирги пайтда американликларнинг асосий мақсади Куба проблемасини ҳал қилиш эмас, балки Кубада ғалаён ва ҳаяжон вазияти тутдиришдан иборат эканлигига қаноат ҳосил қилдим. Американликлар биздан ўзларининг террорчилик мақсадлари учун тўп еми сифатида фойдаланаётганликлари менга маълум бўлиб қолди. Амалда биз Америка империализмининг малайлари, қуроли бўлиб қолдик». Фалькон айтдики, ўтган йил Кубага қарши ўтказилган интервенцияни ҳам АҚШ марказий разведка бошқармаси ташкил қилган эди. Плайя-Хиронда ги маглубиятдан кейин, — деди у, халқ зўр куч билан қувватлаб турган Куба революциясини асло енгиб бўлмаслигига ишондик.

Тор-мор келтирилган контрреволюцион ташкилот бошлиғи ўз сўзининг охирида бошқа контрреволюционерларни «ўз фаолиятларини давом эттириш фикридан воз кечишга» чақирди.

Ватанпарварларнинг муваффақиятлари

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқининг нгодиньдьемчилар режимига ва америкалик оккупантларга қаршилиги ўсиб бормоқда. Репрессияларга жавобан ватанпарварлар курашни кучайтирмоқдалар. Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, шу йилнинг дастлабки олти ойи ичида ватанпарварлар 15 мингга яқин дьемчи ва америкалик солдат ҳамда офицерларни ўлдирганлар ва ярадор қилганлар, кўпларини асир олганлар. Бундан ташқари, жанубий вьетнамлик 8 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиларнинг ўзлари халқ томонига ўтдилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ярим йил ичида кўп миқдорда ҳар хил қурол-яроғларни ўлжа олдилар, 12 самолётни уриб туширдилар ва 22 самолётга шикаст етказдилар, 9 катерни ботирдилар, 64 бронеавтомашинани яксон қилдилар, 269 кўприкни буздилар.

Қадимий Сяньянда

ПЕКИН, (ТАСС). Хитойнинг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланган ва республиканинг ғарби-шимолида, Шэньси вилоятида жойлашган Сяньян халқ ҳокимияти йилларида мамлакат тўқимачилик саноатининг янги маркази бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда шаҳарда олтита замонавий тўқимачилик корхонаси бор.

Бундан ташқари, Сяньянда ҳозир машинасозлик ва химия заводлари, қоғоз фабрикалари ҳам ишлаб турибди. Сяньян фабрикалари ва заводлари ҳозирги вақтда кўп миқдорда ип-газлама ишлаб чиқармоқда, йигирув ва тўқув станоклари чиқармоқда. Шаҳарда тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган, икки техникум очилган.

Қадимий Сяньянда катта қўламларда уйжой қурилиши олиб борилмоқда. Шаҳар жойлашган майдон озодликка эришилгандан аввалдагига нисбатан 3,5 баравар кенгайтирилди.

Бельгияда деҳқонларнинг норозилиги ўсмоқда

БРЮССЕЛЬ, (ТАСС). Бельгияда ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатидан деҳқонларнинг ва қишлоқ хўжалик ишчиларининг норозилиги ўсиб бормоқда. Бельгиялик деҳқонларнинг асосий талабларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархини оширишдир. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи чакана нархдан 5 баравар камроқдир.

Яқинда Спа шаҳрида (Льеж вилояти) 8 мингга яқин деҳқонлар ва қишлоқ хўжалик ишчилари ўз талабларини қўллаб-қувватлаб намойиш ўтказдилар. Атроф-теварақдаги қишлоқлардан келган 2 минг трактор, юк автомашиналари ва енгил автомобиллар шаҳарнинг марказий кўчаларини тўлдирди. Намойишчилар ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатига қарши норозилик билдирилган транспарантлар ва шиорларни кўтариб, шаҳар бўйлаб ўтдилар.

Намойиш охирида митинг бўлди. Митингда аграр касаба союзининг бош секретари Скуман, агар деҳқонларнинг талаблари қондирилмаса, у ҳолда «янаги сафар тракторлар Брюсселга қараб боради», деди.

МЕНИНГ ЎҒЛИМ

Кришан ЧАНДР

(ҲИКОЯ)

Бу менинг ўғлим. Бундан бир ярим йил муқаддам у дунёга келмаганди. Ўша вақтлар ҳали дарахт ўз уруғида мавжуд бўлмаганидай, у ҳам онасининг орзуларида, менинг эзгу ва эҳтиросли истакларимда яшарди. Ҳа, бундан бир ярим йил аввал ўғлим бу дунёда кўз очмаган эди. Қандай ажойиб воқеа! Мен ҳозир уни кўриб турибман, бўйнидан қучиб, елкамга ўтқазиб эркалаётганимда шундай ҳузурланаманки, дунёда бундан ортиқ ҳузур бўлиши мумкин эмас! Бу ҳузур ошиқ йигит ўз севгилисини бағрига босиб турган ҳузуридан, бола ўз онаси бағрида эркаланиб олаётган ҳузуридан ҳам афзалдир. Бу шундай ажойиб ҳузурки, гўё одам тўсатдан янги оролда пайдо бўлиб, янги бир уфқни кўргандек, ўғлим ҳам худди шундай янги уфқлардан биридир.

Ҳар бир эскилик ичида доим янги нарса ётади, токи бу янги нарса уйғониб, қаддини баланд кўтармагунча, унинг мавжудлигини ҳеч ким сезмайди. Тараққиётнинг бу муттасиллиги модданинг асоси ва мангулилигининг моҳиятидир. Бу янги уфқни ҳанузгача кўрмагандим, лекин унга бўлган муҳаббат қалбимда аллақачон пайдо бўлганди, мен бунгача ҳали уни билмас, лекин унга бўлган муҳаббат «мен»имнинг бир бўлагини ташкил этарди. Муҳаббат, бола ва мен яратиш йўлидаги эҳтиросининг уч кўринишидир.

Бошқалар сингари мен ҳам ўз фарзандимни яхши кўраман. Эҳтимол уни бошқаларга нисбатан ҳам ортиқроқ яхши кўрарман. У менга ҳаётимдан ҳам афзал деолмайман, чунки оламда ҳаётдан ҳамда яшаш истагидан ташқари бошқа истаклар ҳам мавжуддир.

Хуллас, дунёда ўғлимдан ҳам қимматлироқ нарсалар ҳам бор демоқчиман. Бунинг ҳеч қандай ажабланадиган ёки ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Кун бўйи иш билан машғул бўлганимда ўғлим ҳаёлимга келмайди, лекин ўғилчам олдимда ўтирганида миямга ҳеч қандай иш кирмайди. Бу мутлақо табиий туйғу ҳар бир отаонага маълум. Дунёнинг ўзи каби эски ва кўҳна бўлган бу ақидани бола дунёга келиши билан, ўзининг янгиликлари билан ажаблантиради. Ҳар бир бола, у хоҳ шахзода, хоҳ камбағал ўтинчининг ўғли бўлсин, бундан қатъий назар, инсоният учун, маданият учун, ҳозирги замон ва келажак учун ажойиб мўъжизадир.

Бола — бу рассом томонидан чизилган хомаки суратдай гап. Ҳақиқий суратга айлантириш учун эса ҳали анча бўёқ юргизишга тўғри келади. Унинг асосини жамият шакллантиради. Шу хомаки суратга қараганимда қалбимда ажабланиш, қизиқувчанлик, тасаввур туйғулари тўлқинланади. Нуроний чолга қараганингда ўтмишни эслайсан, болани кўрганингда келажакни ўйлайсан. Чолни эскилик қамраб олган бўлса, болани янгилик. Агар биринчиси эскилик тимсоли бўлса, иккинчиси ўзида янгиликни мужассамлантиради, тасаввур поезди эса бу икки станция орасида муттасиллик изи бўлиб тўхтовсиз ҳаракат қилади.

Бу жажжи бола қандай ажойиб ҳодиса! Унинг ўз «мени» бор. Бундан ташқари унда яна онаси ва отасининг иккита «мен»и ҳам мужассам. Ким билади, унинг вужудида тагин нималар бор экан! Буларнинг барчаси бир-бири билан қўшилиб, қоришиб дунёга янги ҳаёт тақдим этди. Бу ҳаёт қандай бўларкин? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмайди. Инга... Инга... Инга... деяётган, кейин кулиб мароқ билан оёғининг бош бармоғини сўраётган ўғилчамга қарагинимда унда табассумимни, ялгинни, лабларим ва пешонамни кўргандек бўламан. Қош-кўзлари, ҳатто қўлоқлари ҳам онасиникига ўхшайди. Лекин у, менга ва ойисига қанча ўхшамасин, барибир қандайдир ўзига хос бир янгилиги ва беқиёслиги бор. Ўхшашлик бор-у, лекин ўзгинаси эмас. Унинг чеҳрасида қандайдир янгилик аломати кўринади.

Янги чеҳра! Биз ҳар доим хайратомуз бу янги рухсорга қарасак, у бизга қарайди. Эҳтимол, унда ҳиндуваш ғурур мужассамлашгандир, ёки отасининг шуҳратпарастлик талаблари, онасининг содда ва мулойимлиги билан қоришиб кетгандир? Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмайди. Бола — худди металл заррасининг ҳар хил бирикмасидан янги металл яратилганидек, эскилик ичида етишган янгиликдир. Аммо у қандай металл бўлишини олдиндан айтиш қийин. Инсон қандайдир янги, нотаниш нарсани кўрганида у ҳар доим ундан эскилик белгисини топишга интилади. Ҳар доим шундай бўлади.

Эҳтимол, мен ўз ҳислатларимни ўғлимдан қидираётгандирман ва бўёқлар билан хомаки расмни бўяшга интилаётгандирман. Кўпинча хомаки расмлар дунёда шу тариқа тўлдириларди. Тўмиш, ҳозирги замон ва келажак шу тариқа яратиларди. Боланинг дунёси турли-туман бўёқка тўлган, улардан айримлари ўзи қоришиб кетса, айримларининг ота-онаси, қолганини эса ўзи қоришириб юборади. Шундан сўнггина хомаки чизилган расм ҳақиқий чизилган расмга айланади.

Лекин мукаммал яратиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган. Чунки ўлим — бу ҳам бўёқ, лекин қора. Ҳеч ким инсон тақдирига ёки олам тақдирига сўнгги бўёқни сурта олмайди, шунинг учун тараққиёт занжирининг сўнгги ҳалқаси йўқ. Биринчи бўёқ қачон пайдо бўларкин? Мана, чақалоқ йиғлаб юборди, энага овутиш учун ширинлиқ берди. Худди шу — биринчи марта бўёқ юргизишдир. Биринчи марта қийин қийиши... Мана, онанинг алла айтиши... отаси эса ҳазиллашиб инглиз тилида гапиришга ҳаракат қилса, отасининг дўсти мусулмон бўлгани учун болани кўтариб олиб, анча вақтгача сайр қилдиради. Шу тариқа аста-секин хомаки расм ҳақиқий расмга айланаборади. Ўтмиш эски, ҳозирги пайт — қонқарсиз, аммо келажак... У қандай бўларкин? Ўғлим нимага интиладиган экан?

Бу масала ҳам янги эмас. Бу инсоннят олдида асрлар бўйи, ҳар йили, ҳар куни, ҳар дақиқа туради. Уфқ чизигини босиб ўтган ҳар бир янги дақиқа қандай янгиликни олиб келаркин? Бу янги дунёда қайси тарихий ҳодисанинг ифодаси бўларкин? Ким алангани тўхтата оларкин? Эҳтимол бу масала оддий авомни Имомитдин ёки Ганга Рамларни нечун ҳаяжонга солмас. Имомитдиннинг ўғли Фаттохиддин, Ганга Рамнинг ўғли Джамна Рам деб аталар. Ҳар доим шундай бўлади, яъни янгилик эскилик билан чамбарчас боғлангандир. Бу жуда осон рўй беради. Эскилик— азалдан таниш ва тушунарли қиссадир. Эскилик — жуда синалган, ўз даврини ўтаган ва умри тўгалланган нарсадир. Ундаги барча яхши-ёмонликлар тушунарли. Ҳозир ҳаммаси осон ва яхши, чунки дунё эскиликка кўпроқ эътибор бериш билан бирга аста-секин янгиликка, ҳақиқатга, яхшиликка ва тараққиётга интилади.

Эҳтимол, мен ҳам шундай йўл тутишим керакдир. Ҳали боламга яхши ўрганганимча йўқ, шунинг учун бу хомаки расмга қўл тегизишга қўрқаман. Болага исм қўйишни олайлик: қариндош-уруғларим ўз ҳолимга қўйишмаяпти, хотиним бўлса ҳар куни — исми нима? Барака топқур бирор исм қўйинг, — деб ҳоли-жонимга қўймайди. Исм?— қандай исм қўйсамийкин?— деб ўйлайман. Унга исм қўйишга ҳаққим йўқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг ахир, ўзимга ёқадиган исмни бировга қандай қилиб қўяман. Бу жуда мураккаб муаммо. Боринги, шундай ахмоқона йўлни тутай ҳам. Хўш, қандай исм қўяй? Бувисига Ширван Кумар ёқса, онасига Дулип Сингх ёқади. Ўзимга эса уч исм ёқади: Ислом, Ранжан ва Генри. Назаримда бу уч исм мен учун ажойиб жаранглайди.

Лекин жаранглаш билан иш битмайди. Исм билан сиёсий ва диний характерлар узвий боғлангандир. Қани энди сиёсат, динга алоқаси бўлмаган, фақат инсоннинг характерини ифодаловчи оддий бир исм бўлсайди! Ундай десак, Ранжан — ҳинди, Ислом — мусулмон. Генри бўлса христиан-ку! Инсон исм танлашда нега шундай чегаралангани! Бу исм эмас, балки инсон бўйнидаги абадий сиртмоқдир. Ўғлимга сиёсий, диний ва ижтимоий қулликдан ҳолис бўлган, эркин исм қўйишни хоҳлардим. Қандай исм берсамийкин? Бу муаммо эндигина ҳал бўлай деб қолганида уйда жанжал бошланар, қариндош-уруғларим бир-бирларининг гўштини егудек бўлар, дўстларим аралашар...

Мен бўлсам ўзимча,—унга исм қўйиб нима қиламан, ўзи катта бўлганида хоҳлаган исмини қўйиб олар,—дердим. Майли кейин уни Хори Рам, Камол Гандхар ёки Абдул Шукур деб чақиришсин. барибир эмасми? Бўёқ қалам қаракатда, лекин қандай бўёққа бўяй?

Келинг, исмини ўз ҳолига қўяйликда, боланинг дини тўғрисида гаплашайлик. Ҳинду маданиятида тарбияланган бола, шу маданиятдан озиқланади. Ислом динига эътиқод қилганнинг боласи эҳтимолан мусулмон бўлиб ўсар. Ота-она одатда бундан бошқа нарсани хоҳламайди. Лекин бола 25 ёшга киргач, эътиқодидан юз ўгирганида ота-она қай аҳволга тушаркин? Ҳинди-мусулмон, мусулмон-христиан ва христиан-коммунист бўлиб қолса, қандай бўларкин? Инсонинг дунёқараши, унинг миясига қуйиб ташланган нарсалардан эмас, балки ҳаётий тажрибасидан келиб чиқади.

Бахтга қарши айрим вақтларда ҳаётда бунинг акси учрайди. Дин наслдан наслга ўтади. Бобоси ҳинди бўлса, отаси ҳам ҳинди, ўғли ҳам ҳинди бўлиши керак. Дастлаб иккиланиб қадам ташлайди, кейинчалик, иккинчи, учинчи қадамларини... охири иккиланмай сийқаси чиққан йўлдан юради. Пўлда кетатуриб кўчанинг икки бетида ўсиб ётган кўм-кўк ўтларни, бошларини қимирлатаётган олтин бошоқларни, ажойиб қарагай дарахтларини кўрмайди. Қояларда оппоқ патларини товлантириб, шўх овозли қушлар ўтиради, ҳаво маст қилар, осмонда булутлар парий сингари сузиб юрарди. Йўқ, буларнинг ҳаммаси унинг учун мавжуд эмас,

У доим эшак сингари ишлаши керак, ота ўғлига уёққа юр, буёққа юр деса, у эса эшак сингари сийқаси чиққан йўлдан сангиб юради. Қандай қилиб у янги, оёқ босилмаган йўлга чиқсин? Эҳтимол ўғлимни бунга мажбур қилмасман, исм қўйиш ва динни қўяйликда энди унинг ватани қаерда, халқи ким эканлиги ҳақида ўйлайлик. Агар ўтмишга бир назар солсак, буни аниқлаш унча қийин эмас. Бола Ҳиндистонда туғилган — демак у — ҳинди, отаонаси эса Шимолий Ҳиндистондан, деман орийликдир. Ҳаммаси тўғри, бу дунёда шундай бўлади, шундай бўлиб келяпти ва узоқ вақтларгача шундай бўлади. Назаримда оламда янги меҳмонни яратаётган ҳар бир дақиқа масалани синчиклаб текшириш кераклигини талаб этади. Ҳинду деган сўз нима? Орийликлар ким, улар қаердан келишган? Эҳтимол, улар Ўрта Осиёдан келиб қонларига мўғул ва орийликлар қони қўшилгандир. Ҳиндистонга келиб ўтроқлашиб олган орийлар дравидлар қабиласи билан қўшилиб кетгандир. Кейин мамлакатни мусулмонлар босиб олганида мусулмон қони ерли ҳалқларнинг қони билан қўшилиб, дурагай қон келиб чиқандир. Қани айтиб беринг-чи, ҳиндилар ким ва улар қаердан келган? Мана бу Ҳиндистон, лекин у ўз ичига Туркистон ва Россияни, Хитой ва Эронни, Туркия ва Арабистонни, Европани, эндиликда эса тагин Покистонни ҳам олади.

Қон, миллат, давлат— булар қанчалик шартли нарсалар! Ўйлаб кўринг ахир, инсон онгли равишда ўз оёғига ўзи кишан солган! Мен ўғлимни шундай яхши кўраманки, ахир унга қандай қилиб кишан солай! Бўёқ чўткаси қаршилик кўрсатди. Ҳанузгача суратга бironта бўёқ сурилгани йўқ. Фикрим бошқа ёққа, боламнинг қандай тарбия олишига кетди. Шу ерда андак қийинчиликка дуч келдим. Мактаб ва колледжларимизда берилаётган таълим эскилик билан шу қадар боғлиқки, унда янги тажрибага ўрин ҳам йўқ. Нега ўғлимга подшоларнинг бузуқ ҳаётларини, ахмоқ министрларини мақтовчи, кишилар ўртасида диний қарама-қаршилик уруғини сочувчи тарихни ўқитар эканман?

Шимолий, Жанубий Қутблар қаердалигини билмайдиган болага географияни ўқитиб нима қиламан? Ўғлимга ошиқ-машуқлар, ичкилик бор жойда муккасидан тушадиган шоирлар ҳақида ёзилган китобларни ўқитиб нима қиламан?

Капиталнинг туб маъносига тушунмаган ўғлимга иқтисод тўғрисида гапиришнинг нима кераги бор? Арифметикани нимага ўргатаман? Агар от бир соатда 2 миль йўл босса, 24 соатда неча миль босади, деган ўтакетган оддий нарсага ўргатаманми? Колледжларимизда берилаётган билим қандай ахмоқона ва мантиқсиз! Ҳозирги замондан қанчалик узоқда. бир вақтлар ҳурматга сазовор бўлган илм энди эскиб қолди. Унга юз йиллар бўлди. Менинг ўғлим эса ҳали гўдак.

Эҳтимол бутун халқ унга ҳаёт сабоғини тақдим этар. Балки бу ишларни амалга ошириб бўлмас, лекин ўғлимга исм қўйишнинг эътиқодга, миллатга ёки давлатга кирмаслигини хоҳлардим. Бордию, ўғлимга шундай десамчи: «Ўғлим, сен — инсонсан! Ўз эркинг, ўз тақдиринг билан дунёга келган инсонсан. Сен — оламни яратувчисан. Сен ҳар қандай миллатдан, давлатдан, диндан баланд турасан. Лекин бизлардан анча кичиксан. Инсоннят руҳини янги чўққиларга кўтар! Биз иккимизни —ота-ўғилни фақат сезги боғлабгина қолмай, балки чексиз муҳаббат ҳам боғлайди. Океан ўз тўлқини билан боғланганидек, аланга олов билан, шамол жўш уриши билан боғлиқ бўлгани каби бу дунёда биз иккимизни боғловчи — ўғил! Ўтмиш, ҳозирги ва келажакни— биз иккимиз ташкил этамиз.

Кичкинтой оёғининг бош бармоғини тириштиб сўрар ва менга ҳайратомуз қараб ётарди,

Урду тилидан
Саъдулла ИҲЛДОШЕВ
таржимаси.

Калинин районидаги 1-болалар уйида турли тўгараклар ташкил қилинган. Бу тўгарак машғулотларига ўғил-қизлар катта қизиқиш билан қатнашадилар. Суратда: болалар уйининг каштачилик тўгарагида ёш чеварлар ҳунар ўрганишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

АЖОЙИБ ПОМИДОР

Чуқурсой. Тошкент область Калинин районидаги сабзавотчилик колхозлари янги нав помидорни йиғиштириб олишга киришдилар. Бу помидорнинг айрим донаси вазни 1200 граммга етади. Помидорнинг бу янги навини академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг ходими Карим Юсупов етиштирган. Юсупов нави деб аталган бу помидорнинг ҳар гектаридан 60 тоннадан ҳосил олинмоқда. Бу эса маҳаллий сорт помидор ҳосилидан тўрт баравар зиёддир. Бу помидор кам уруғли, мазали бўлиб, консерва қилиш учун ғоят қулайдир.

Карим Юсупов янги навни етиштириш учун йигирма беш йилдан кўпроқ шуғулланган. У, ўзининг бу соҳадаги ишини халқ селекционери сифатида бошлаб, энг йирик институтнинг илмий ходими сифатида тамомлади.

Бу йил Юсупов помидорлари область хўжаликларининг 75 гектар майдонида етиштирилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу нав перспективали бўлиб, Ўрта Осиё хўжаликларида кенг қўлланилиши мумкин.

ЯНА АЖРИМ БЎЛМАДИ

Москва «Динамо»си билан «Пахтакор»нинг ўтган кунги учрашуви принципиал аҳамиятга эга эди. Майдонга олтин медаль учун курашувчилар сафига киришга қатъий умид боғлаган коллективлар тушган эди. Бу ўйинда «Пахтакор» 2 очко олса биринчи ўринга чиқар, «Динамо» ютса пешқадамга етиб олар эди. Ғалаба мазкур иккала команда ўртасида 3 йилдан бери ҳал бўлмай келаётган тортишувни бир ёқлиқ қилар эди.

Шунинг учун ҳам командалар майдонга энг жанговар составини туширди. Москволиклар жаҳон чемпионатларининг қатнашчиси, тажрибали Лев Яшиннинг дарвозага қўйишди. Яшин бунгача 1962 йилги мамлакат биринчилигида ўйнамаган эди. «Пахтакор» ҳам унинг ўйинини сира кўрмаган эди.

Матчнинг биринчи бўлими москволикларнинг устунлиги билан ўтди. 3-минутдаёқ ҳисоб меҳмонлар фойдасига 1:0 бўлди. Ён томондан Численко секингина урган тўпни «Пахтакор» ҳимоячилари тепиб қайтариш ўрнига бир-бирларига ишониб туравердилар. Пшеничников ҳам дарвозадан чиқиб кетган эди. Натижада Фадеев тўпни қаршиликсиз дарвозага киритди. 14-минутда ҳимоячиларимиз Фадеевни яна эътибордан четда қолдирдилар. У Пшеничников билан яккама-якка келиб қолди. Дарвозабонимиз жасорат кўрсатиб тўпга ўзини аниқ отмаганда иккинчи гол ҳам киритиларди. Кейин майдон эгалари ҳужумга ўтди. Беляков бурчакдан оширган тўпни дарвоза яқинида пайдо бўлган Каҳҳоров калла билан шундай урдики, стадион дарвозага келди: тўп юқори штангага зарб билан урилиб қайтди. Биринчи таймда тошкентликлар ортиқча ҳавф сололмадилар. Аксинча ташаббусни динамочилар қўлдан бермадилар. Улар 42-минутда штраф тўпини уриб (Вшивцев) ҳисобни 2:0 қилдилар.

Иккинчи тайм «Пахтакор»нинг тўла устунлиги билан ўтди. Майдон эгалари ўйинни қайтадан қуриб, рақибларини шошириб қўйдилар. 55-минутда Яшин қўлдан чиқиб кетган тўпни Беляков дарвозага йўналтирди. 68-минутда эса худди шунга ўхшаш ҳолат қайтарилиб Абдураимов ҳисобни тенглаштирди. Бундан кейин ҳам ҳамшаҳарларимизнинг ҳужуми тўхтовсиз давом этса-да, ўйин дуранглигича қолди. Шундай қилиб, Москва «Динамо»си билан «Пахтакор» ўртасидаги олтинчи олишув ҳам ажрим бўлмади.

Ҳозир командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

БИРИНЧИ ГРУППА

	У	Т	О
«Динамо» К.	12	29—13	20
ЦСКА	13	18—8	19
«Зенит»	12	22—7	16
«Шахтёр»	11	18—14	14
«Молдова»	12	16—11	12
СКА	12	19—17	11
«Қайрат»	12	12—14	11
«Локомотив»	12	13—16	10
«Спартак» Ер.	11	9—24	6
«Жальгирис»	11	8—28	6
«Даугава»	12	10—22	5

ИККИНЧИ ГРУППА

	У	Т	О
«Торпедо» М.	12	28—13	15
«Пахтакор»	12	15—11	15
«Спартак» М.	12	27—17	14
«Динамо» М.	12	14—9	14
«Динамо» Тб.	12	14—11	13
«Нефтяник»	12	15—12	12
«Беларусь»	12	11—14	10
«Торпедо» К.	12	16—22	10
«Динамо» Л.	11	6—20	10
«Крилья Советов»	11	13—17	9
«Авангард»	12	7—20	8



Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозида мева ҳосили мўл бўлди. Колхоз боғларида шафтолидан айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: (чапдан ўнгга) кекса боғбонлардан Мамарамқул ота Тошматов, Қўшоқ ота Жонов, Фармонқул ота Қенжаев ўртоқлар шафтолизорда.

А. Абалян фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 24 ИЮЛЬ, 1962 ЙИЛ.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

Кўнгиллилар

БУГУН У НАВБАТЧИ ЭМАС ЭДИ

Гаджи Алиаскеров смена тамом бўлгач соф ҳавода ҳордиқ чиқариб уйига пиёда кетишга аҳд қилди. У ўйчан кўзлари билан атрофга назар ташлар экан, серқатнов кўчалардан бирида кишилар орасидан у ёқ, бу ёққа бесарамжон боқиб бораётган кишига кўзи тушди — нега у хавотир кўринади, нимадан чўчиянти, — хаёлидан ўтказди, Гаджи.

Номаълум киши тезлик билан ларек олдида тўпланган кишилар орасига кириб, атрофни олазарак бўлиб кузатди-да секин деди:

— Кимга костюм керак? Арзонга бераман.

Гаджи ҳам келиб костюмни кўрган бўлди.

— Менга торлик қилмасмикан?

Бу саволга сотувчи жавоб бераолмади, у костюмнинг размерини ҳам билмас эди. Гаджининг шубҳаси яна ошди.

— Милиция бўлимига юринг!

— Ё-ёнимда пу-пулим оз эди,— тутила-тутила гапирди у, лекин уйда бор... хурсанд қиламан.

— Юр! — Гаджининг зардаси қайнади.

Милиция бўлимида аниқланишича Гаджи ҳавфли жиноятчи Бочаровни ушлаган экан. Бу текинхўр илгари ҳам судланган бўлиб, тергов органидан қочиб юрарди.

«Ташсельмаш» заводининг ишчиси ҳушёр дружиначи Г. Алиаскеровга ўғрини ушлашни биров буюргани йўқ. Лекин у виждон амри билан ўз бурчини бажарди, вақтида ҳушёрлик кўрсатди.

УЧАСТКА ВАКИЛИСИЗ

Октябрь район милиция бўлимининг вакили Зоҳид Одилов камгап, чўрткесар одам. Кўп гапириш ни ёқтирмайди. Ўша куни ҳам содда ва калта қилиб:

— Булар билан тоғни талқон қилса бўлади, асл ҳалқ дружинаси, буларнинг ёрдамида биронта ҳам безорини ўз ҳолига қўймаймиз, — деди.

Эртага Зоҳиднинг дам олиш куни. У шу куни ўз участкасини биринчи марта дружиначиларга топширишга қарор қилди.

— Хотиржам бўлинг дейишди улар,— ўрнингиз йўқлигини билинтирмаймиз.

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Свердлов маҳалласида кун бўйи осойишталик ҳукм сурди. Лекин ярим тунда Бедазор кўчасида яхшигина «қайф» қилиб олган бир киши кўринди. Бу шу кўчадаги 2-уйда турувчи Таушев эди. У ишлаб пул топиш ўрнига, «пул топиб бер» деб онасига тиқилинч қилади. Маст бўлиб олиб «ҳангома» кўрсатади. Дружиначилар уни кузата бошладилар, кетидан уйигача бирга бордилар. У уйга кирдида, онасига дўқ урди.

— Пул бер, бўлмаса уйни вайрон қиламан! Тошбағр беномус ўғилнинг бу ваҳшийлигидан дили озор еган она ярим тунда уйдан кетишга мажбур бўлди. Безори идишдаги керосинни қуйиб, эндигина гугурт чақаётган эди, қизил алвон таққан бақувват қўллар уни маҳкам ушлашди...

Булар Свердлов маҳалласининг кўнгилли дружиначилари Ж. Исмоилов, А. Аҳмедов, Г. Абрамовлар эди. Таушев милиция бўлимига келтирилди. Шундай қилиб, участка вакилисиз навбатчилик қилган дружиначилар бугун ҳам бир жиноятнинг олдини олдилар.

ҚИДИРУВЧИЛАР

Пётр Глазов дўсти Володя Акмаевни чин кўнгилдан ҳурмат қилади. Уни тўғри сўз, ҳалол ва софдиллиги учун жуда севади. Улар Топография техникумида дружиначилар группаси тузилганидан буён собиқ разведкачи, Киров район милиция бўлимининг хизматчиси С. А. Черниковдан бирга таълим оладилар. Ҳар бир машғулотда Семён Дмитриевич сўзини диққат билан тинглаб, тажрибаларини жон дил билан ўрганадилар, унинг ҳар бир маслаҳатини қабул қиладилар. Ундан доимо биронта «йириқроқ» топшириқ беришини сўрайдилар.

Бир куни Черников йигитларни чақирди-да, қисқа ва лўнда қилиб деди:

— Бўлимимиз Павлов деган жиноятчини қидирмоқда. Сизларнинг ёрдамингиз зарур. Семён Дмитриевич уларга жиноятчининг ташқи белгиларини тасвирлаб берди, унинг суратини кўрсатди.

Бу жиноят қидирув секциясида шуғулланаётган Глазов ва Акмаев учун ғоят масъулиятли вазифа эди. Уларга катта операцияни ишониб топширишди. Демак, қандай бўлмасин, ана шу ишончни оқлаш керак. Дружиначилар ишга киришишди. Қидирув бошланди. Ниҳоят Сапёрная кўчасида... худди шу ерда...

— Гражданин ҳужжатларингизни... Мана, жиноятчи Павлов милиция бўлимида. Дружиначилар биринчи муваффақият ҳақида, ушлашнинг тафсилоти ҳақида завқ билан ҳикоя қилиб беришди. Семён Дмитриевич мулойимлик билан уларнинг сўзини бўлди:

— Вақт топиб техникумга кираман, жамоат ишини аъло баҳаргандан кейин, ўқиш ҳам аъло бўлиши керак-да,— деди фахрланиб Черников.

АСОСИЙ МАҚСАД — ТАРБИЯЛАШ

Пўлдан озган кишига тўғри йўл кўрсатиш, унга ёрдам бериш ва ўз вақтида кўзини очиб қўйиш тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Фрунзе район 9-уй бошқармаси дружиначиларининг командири С. Китаев бунга доим амал қилади. Унинг йигитлари ҳам чакки эмас, ҳаммаси хилланган. Аҳил ва ишчан.

Генка мактабни ташлаб айрим саёқ болаларга қўшилиб олди. Ишдан ҳам. Ўқишдан ҳам кўнгли совуди. Ичкиликбозликка берилиб, безорилик кўчасига кирди.

— Енгил ҳаётни истаб қолибсанда, ўғлим, — деди, — унга ҳам ачиниш, ҳам насиҳат билан Семен Данилович Китаев, — лекин узоққа бормайсан ёш жонингга жабр қилиб қўясан.

Болага бу рўй-рост айтилган сўз таъсир қилди:

— Нима қилай? Улфатларим йўлимни тўсишади...

— Ўзингга боғлиқ. Дўстларингни эса тартибга чақириб қўямиз.

Бир неча кун ўтгач, дружиначилар командири С. Д. Китаев ёрдами билан Генка заводга токарликка шогирд қилиб ишга жойлаштирилди. У ўз бахтини мана шу станокдан топади, унга вақтида тўғри йўл кўрсатилди, халқ дружиначилари унинг тақдирига бефарқ қараб туришмади.

* * *

Халқ дружинасининг тузилганига 3 йил бўлди, холос. Мана шу давр ичида улар шаҳарда жамоат тартибини мустаҳкамлаш йўлида мақтаса арзигудек ишларни қилдилар. Кўнгиллиларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда. Билагига қизил алвон таққан халқ дружиначиларини бугун шаҳарнинг ҳамма ерида учратиш мумкин. Улар халқ осойишталигининг содиқ қўриқчилари.

В. ГАЛОВ.

„МАҲАЛЛИЙ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИГА ЁРДАМ"

КПСС Марказий Комитетининг «Районлараро газеталар ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикадаги территориал ишлаб чиқариш бошқармалари ҳузурида область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг 29 районлараро газетасини ташкил қилишга қарор қилди. «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам» журналининг 4-сонида ана шу янги газеталарнинг рўйхати эълон қилинган.

Журналнинг бу сонида «Янги ижодий муваффақиятлар сари, журналист ўртоқлар!» сарлавҳали бош мақола, «Ленинчи «Правда»нинг 50 йиллиги» рубрикаси остида В. Курдяковнинг «Ноёб тарих саҳифалари» сарлавҳали мақолалари босилган.

«Ўзбекистон матбуоти қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун курашда» рубрикаси остида М. Захаровнинг «Сўз — дала ва фермаларнинг омилкорларига» Н. Алеевнинг «Газетчи қўрқ ерда», П. Хўжаевнинг «Кўпроқ арзон пахта етиштирайлик», П. Ваҳобовнинг «Машъаллар ёрқиноқ порласин» сарлавҳали мақолаларини ўқиш мумкин.

Булардан ташқари, журналда СССР орден ва медаллари билан мукофотланган Ўзбекистон журналистларининг фотопортретлари берилган.

«Жамоатчилик асосларида» рубрикаси остида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси У. Иброҳимовнинг «Радио ва телевидение ҳузуридаги жамоат иштирокчилари ва штатсиз редакциялар», Самарқанд область, «Ленин йўли» газетасининг редактори Л. Ҳамроевнинг «Газетанинг мустаҳкам таянчи» сарлавҳали мақоласи ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган. Шунингдек, журналнинг «Ўзбекистон журналистлар союзида» «Матбуот ходимлари минбари», «Сатира ва юмор», «Информация» бўлимларида ҳам кўпгина материаллар берилган.

ҲАР ТЎҒРИДА

Дам олиш автомати

Югославияда кишини дам олгандек ҳис қиладиган физиологик кўп частотали вибратор ишланди. Бу аппарат қон айланишни тезлаштиради. Олимларнинг ҳисобига қараганда, приборнинг таъсирида одам бир минут ичида уч соат дам олгандек бўлади.

Вибраторни виставка павильонларини узоқ айланиб чарчаган кишиларда синаб кўрдилар. Олимлар бундай аппаратларни шаҳарларнинг одамлар гавжум бўладиган кўчалари бурчакларига ўрнатишни таклиф қилмоқдалар.

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК!

ЗАЙНАБ ҲАМОН ХЎРЛАНМОҚДА

«Коммунизм кишисини тарбиялайлик» рубрикаси остида газетамизда тарбия, ахлоқ темаларига бағишлаб қатор материаллар бериб борилмоқда. Редакцияга мазкур мақолалар юзасидан турли мулоҳаза ва фикрларини баён этган кўплаб мактублар келиб турибди. Яқинда Янгиер шаҳрида яшовчи У. О. Почкин, она-бола Полина ва Наталья Чернявскаялар, Антонина Балатина ўртоқлар ён қўшнилари — врач Файзинат Мамадазимовнинг ўз рафиқаси Зайнаб Эшмуродовани ёмон хўрлаётганлиги ҳақида Янгиер шаҳридаги махсус мухбиримизга мурожаат қилиб ёш врач, комсомол аъзоси Файзиматнинг комсомолга ёд ахлоқини фош этишни, уни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилишини сўраганлар. Қуйида виждонсиз эр Файзиматнинг софдил рафиқаси Зайнабни қандай оғир аҳволга солиб қўйганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Файзимат ҳовлига кирганида Зайнаб овқат тайёрлаш билан овора эди. Аслида жанжал бошлайдиган ҳам иш бўлгани йўқ. Файзимат Зайнабга бир қаради-ю, унинг эгнидаги кўйлагидан «айб» топди. Бирдан кўзлари олайди. Хотини гап ҳам қайтаргани йўқ. Баҳона Зайнабнинг хуш бичим кўйлак кийганига келиб тақалди. Файзимат Зайнабни ҳақоратлаб кетди. Кейин Зайнабни уйга судраб кириб қўлининг қичиги босилгунча урди. Хотини шунда ҳам оғиз очмади, дод ҳам демади. Ҳеч кимни ёрдамга чақирмади. Ҳонадаги гугурт-гугурни эшитиб ён қўшни Наталья Ивановна Чернявская ёрдамга югурди. Файзимат Зайнабнинг сочларини билагига ўраб, бошини деворга гурс-гурс ураётган эди...

Орадан 4—5 минут ўтди. Файзимат яна жанг бошлади. Бу билан қаноат ҳосил қилмай темир чўмични олиб, бор кучи билан унинг бошига урди. Шўрлик хотин шилқ этиб йиқилди. Қўшнилар «Тез медицина ёрдами» чақирдилар. Қутирган Файзимат медицина ҳамшираси Наташа Решетова билан шофер йигитни ҳам уйдан қувиб чиқарди. Шу куни қўшнилар Зайнабнинг отасига — Сурхондарё область Қарши районидаги «XXII партсъезд» колхозига шошилинч телеграмма бердилар.

Аслида Зайнаб шу қишлоқдан. У ТошМИда аълочи студент, группа бошлиғи эди. Зайнаб Янгиер районидаги Баланд-чақир қишлоғидан борган Файзимат Мамадазимов билан институтда танишди. 6 йил бирга ўқишди. Бир-бирини севишди. Яхши умидлар билан бир ёстиққа бош қўйишиб, Янгиергa йўл олдилар. Файзимат доктор-терапевт, Зайнаб акушер-гениколог. Ишлари юришиб кетди. Ўғилча ҳам кўрдилар. Исмини Алишер қўйишди.

Одамнинг оласи ичида дейишади. Доктор-терапевт секин-секин қилиқ чиқара бошлади. У биринчи марта Зайнабга мушт кўтарганда онла қуришганига бир йил ҳам бўлмаган эди. Зайнаб ҳаммасига чидади. Оиламиз бузилмасин, уриш-жанжалларнинг чегараси бордир деб эри устидан шикоят қилмади. Фақат бир саволга у ҳамон жавоб қидирарди. «Сизни севаман» деб қиз ишқида неча-неча туғларни бедор ўтказган Файзимат нега бундай бўлиб қолди? Нега у гуноҳсиз Зайнабни бунчалик хўрлайди? Наҳотки, дид билан хушбичим кийим кийиш оиладаги тотувчиликка зиёнга айлантириб қўйса?!

Зайнаб ҳусида ҳам, илмда ҳам ҳеч кимдан кам эмас... Эрини, қариндош уруғларини жуда ҳурмат қилади. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимидаги кишилар, Ховос посёлкасининг Октябрь маҳалласидаги одамлар Зайнаб ҳақида фақат яхши гаплар айтишади.

Шу йилнинг 4 мартида Янгиер шаҳридаги «Ленинское знамя» газетасида «Шариат ҳукми билан» сарлавҳали фельетон чиқди. Унинг қаҳрамони ҳам худди ўша Файзимат Мамадазимов. Келинг, ўша фельетоннинг 4—5 жумласини айнан кўчирайлик:

— «Биз яшаб турган ҳовлига — «Тез медицина ёрдами» машинаси келиб тўхтади, — деб ёзади фельетон автори, Файзиматнинг ён қўшниси 70 ёшлик Полина Чернявская, — туғруқхонага келтирилган бир аёлнинг аҳволи оғир экан. Зайнаб ёрдам беришга шошилди. Бироқ у уйдан чиқиб кетаётганида доктор Файзимат қатъий ҳукм чиқарди:

— Бормайсан! Борсанг, кейин хотин бўлишингни ўйла!—деди

Бемор аёлнинг тақдири Зайнабнинг қўлида эди. У эрининг гапларига қулоқ солмай эшикка отилди. Аёл билан бир гўдакнинг ҳаёти сақлаб қолинди».

Фельетоннинг худди шу ери бизга қаттиқ таъсир қилди. Қаранг, бир оила қурган икки шахс. Бири одамларнинг соғлиги, тинчлиги ҳақида қайгуради. Бегона кишиларни ўз тугишгани деб биладиган. Ўз тинчлигини бузиб бўлса ҳам ўзгаларнинг саломатлиги учун курашади. Иккинчиси бўлса, бир эмас, икки инсоннинг ҳаёти хавф остида қолганини билиб туриб, ўз юрагидаги қора доғларнинг фармонига қулоқ солади!

Ўша фельетондан кейин Файзимат ҳамкасблари ўртасида кўз ёши тўкиб, қилмишларидан пушаймон бўлди. Энди хотинини хўрламасликка ант ичди. 3 — 4 кун ўтгач Зайнабни алдаб, шаҳар ижроқомига боришга кўндирди. У ерда Зайнаб Файзиматнинг ҳукми билан ёлғон гапирди. «Биз иттифоқ яшаймиз. Фельетондаги гаплар нотўғри» деб айтишга ўзинии ўзи мажбур қилди. Зайнаб бу гапни, бир томондан, фарзанди Алишерни тирик етим қилмаслик учун, иккинчи томондан, эридан қўрқкандан айтди. Шу иши билан у қаттиқ янглишди. Ҳақ гапни ёзган одамларнинг ноҳақ бўлиб кетишига сал қолди. Зайнаб бунга энди тушинянти. Ўз виждони олдида азоб чекянти. Унинг бу гуноҳини, эҳтимол, одамлар кечиришар. Аммо Файзиматнинг гуноҳи оғир. У коллектив ўртасида қасамёд қилиб ҳам ўз лафзида турмади. Яна Зайнабни хўрлади. Ҳозир у уйга кириб келаверса бир ярим яшар ўғли Алишер қўрқиб чинқирадиган бўлиб қолди Зайнабни сарсон қилиб қўйди. У ажралиб кетай деса ўғлини ўйлайди, элюртдан номус қилади. Ажралмай деса, заҳарли кунларнинг чети кўринмайди. Қизидан узоқ жойда яшаётган ота-онанинг, ака-укаларнинг ташвишини, кўни-қўшнилар-нинг ҳавотирлигини айтинг. Товуш-шарпа эшитилса деразадан мўралашади. Якинда Файзимат жанжал устига келиб насиҳат қилгани учун 1918 йилдан бери партия аъзоси бўлган пенсионер У. О, Почкинни ҳақорат қилди, уйидан қувиб чиқарди.

Эҳтимол Файзимат ўзим хон, кўланкам майдон, хотин меники ураманми, хўрлайманми бу менинг шахсий ишим деб керилиб юргандир. Ўзининг бу қилмиши билан рафиқасининг қалбида умрбод нафрат орттираётганидан хабарсиздир. Лекин жамоатчилик унинг ҳаётимизга ёт бўлган бу хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралайди.

Ҳурматли газетхон, эҳтимол сиз Файзиматнинг қилмишига яраша маҳаллий органлар чора кўргандир деб ўйларсиз, афсуски. Янгиер шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Ю. Юнусов ва партия ташкилотининг секретари А. Горькина ўртоқлар насиҳатгўйликдан нари ўтишмади, шаҳар комсомол комитетининг раҳбарлари эса ҳали насиҳатни ҳам бошлагани йўқ. Зайнаб эса ҳамон хўрланаяпти.

С. СУЛТОНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИЗОР

24 ИЮЛДА

Рус тилида: 18.30 — **Ғўзалсан, пионер ёзи** (мактаб ўқувчилари учун). 19.00 — **Телевизион янгиликлар.** 19.15 — **Халқаро кундалик.** 19.35 — **Қотишма номли бадиий фильм.**

Ўзбек тилида: 21.00 — **Инсоннинг мақсади — Тинч яшамоқ** (шоирлар чиқиши). 21.20 — **Хор капелласи куйлайди.** 21.50 — **Сиҳат-саломатлик телевизион журнали.** 22.40 — **Телевизион янгиликлар.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 25/VII да **Зарафшон қизи.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Қирғоққа тушиш учун рухсат— «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 8-40 минутгача).

Шпессарт саройидаги шарпалар —«ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч авлод — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Ўз хотинининг эри—«ИСКРА» (кеч соат 9-15 минутдан).

ЁЗГИ БИНОДА

(Сеанслар кеч соат 9-15 минут ва 10 яримда)

Қирғоққа тушиш учун рухсат— «ФЕСТИВАЛЬ», «ШАРҚ».

Шпессарт саройидаги шарпалар —НАВОИЙ номли, ТЕЛЬМАН номли.

Уч авлод — «ВАТАН».

Бўронлар планетаси — «ПАХТАКОР».

Иш ва байрам кунлари — КАФАНОВ номли.

Одам-амфибия — «ОКТЯБРЬ».

Ўн учинчига ўтар кечаси — «ПОБЕДА». ПУШКИН номли.

Ўз хотинининг эри — «УДАРНИК».

«УЗГЛАВЭЛЕКТРОСНАБСБИТ»НИНГ

хозрасчёт базасига

бош бухгалтер, электр материалларини билган товаршунослар, тракторчилар, кранчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси (6-троллейбус, 11-автобуснинг «48-автобаза» остановкаси).

«УЗТЕКСТИЛЬТОРГ БАЗАСИГА

юкчилар керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Физкультура кўчаси, 18-уй.

Москва шаҳар, Студент кўчаси, 33/7-уйда турувчи **Амирхон Зуфарҳўжаевнинг** Тошкент шаҳар, Вайтинцев кўчаси, 69-уйда турувчи Озода Зуфарҳўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

Сагбон кўча, Янгиш проезд, 3-тупик, 11-уйда турувчи **Азим Алиевнинг** Чувалачи кўча, Анҳор проезд, 8-уйда турувчи Насиба Турғуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Ангрен шаҳар, 8-кварталь, 29-уй, 11-квартирада турувчи **Зокиржон Муродовнинг** Тошкент шаҳар, Чигатой кўча, 2-тупик, 32-уйда турувчи Мамлакат Муродовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Пограничная кўча, 41-уйда турувчи **Низом Алауддинович Хўжаевнинг** Дарҳон кўча, Машҳур проезд, 41-уйда турувчи Сония Маҳмудовна Аҳмедовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Оржоникидзе район, Қибрай қишлоқ совети, Оржоникидзе кўчаси, 130-уйда турувчи **Тошпўлат Маюсуповнинг** шу уйда турувчи Фароғат Маюсуповадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

Лабзак кўча, 326-уйда турувчи **Манзура Меҳмоновнинг** Магазин мавзу, 162-уйда турувчи Ҳайрулла Меҳмоновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

1962 йил 30 июлда Минск шаҳрида

3% ЛИ Давлат ички ютуқ заёмининг

АСОСИЙ 88 ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ БЎЛАДИ

Тиражда заёмнинг ўн олти разрядига 136000 ютуқ, шу жумладан 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар ўйналади.

Бу заём облигациялари бўйича ютиш эҳтимоли ҳар бир тираж ўтказилган сайин оша боради, чунки тиражларда ўйналадиган ютуқлар сони заёмнинг муддати тугаганга қадар ўзгармайди, ютган облигациялар эса бундан кейинги тиражларда қатнашмайди.

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларида бемалол сотилади ва сотиб олинади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олинг!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредит бошқармаси.

ҚАТНАБ ВА СИРТДАН ЎҚИЙДИГАН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЎРТА МАКТАБИ

дарслари рус ва ўзбек тилида олиб бориладиган

5, 6, 7, 8, 9, 10-синфларга

Тошкент области районларида ва шаҳарларида яшовчилардан 1962/63 ўқув йилида

ЎҚУВЧИЛАР қабул қилади

Мактабга кирувчилар директор номига ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: маълумоти ҳақида ҳужжат, иккита фотокарточка (паспорт намунасида), иш жойидан справка.

Мактабнинг уч филиали бор:

Марказий филиал — Оржоникидзе район, Киров кўчаси, 9-уйда (1-ўрта мактаб ҳузурида).

Ўрта Чирчиқ район, Бектемир қишлоғида (52-ўрта мактаб ҳузурида).

Чирчиқда (8-ўрта мактаб ҳузурида).

Ҳужжатларни яқиндаги филиалларнинг бирига топшириш мумкин.

Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«РЕМТОЧМЕХ» ПРОМКОМБИНАТИНИНГ

Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 3-уйдаги

РАДИОРЕМОНТ УСТАХОНАСИ

турли радио аппаратларини

заводлар гарантияси бўйича бепул

РЕМОНТ ҚИЛАДИ

Гарантия муддати ўтган тақдирда, гражданларнинг радиоаппаратлари нақд пулга, муассаса ва ташкилотларники перечисление тартибида ремонт қилинади.

Устахонада юқори малакали мутахассислар ишлайди. У энг янги контроль-ўлчов аппаратлари билан таъминланган бўлиб, ремонт ишлари сифатли бажарилади.

1-Қорамурт проезд, 6-а уйда турувчи **Рашид Турсуновнинг** Самарқанд дарвоза кўчаси, Жиззах проезд, 44-уйда турувчи Карима Турсуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

Лугин проезди, 8-уйда турувчи **Георгий Ваганович Аванесовнинг** Достоевский кўчаси, 17-уйда турувчи Ранса Егишевна Аванесовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Собир Раҳимов кўчаси, 4-тупик, 7-уйда турувчи **Азиз Мирбоевич Аъзамовнинг** Ҳамза кўчаси, 15-тупик, 69-уйда турувчи Дилбар Ҳикматуллаевна Раҳматуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Калинин район, Ҳасанбой қишлоқ Советидаги Хрушчев номли колхозда турувчи **Неъмат Иноятовнинг** шу район, Юнусобод қишлоқ советидаги К. Маркс колхозида турувчи Қутби Маликовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Калинин район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари—25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлимлари — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари —33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 01053. Нашр. Г. 1641.